



# Hurriyat

Mustaqil gazeta

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

Ҳаммамизга аёнки, таракқиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу — илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эрганги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истикболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ.

(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Уқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан)

Gazeta 1996-yil dekabr dan chiqa boshlagan ★ Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru ★ www.uzhurriyat.uz ★ 2020-yil 16-dekabr, chorshanba ★ № 47 (1211)

## УЙҒОНИШ ПАЙТИ КЕЛДИ



Агар биз матбуот нашрларига обунани ўз ҳолига ташлаб қўйсак, эртага мафкура майдонида, шубҳасиз, катта бўшлиқ пайдо бўлади. Бу бўшлиқни ким, нима билан тўлдирари? Эҳтимол, бўшлиқни тўлдирувчи хатарли кучлар қарсақ чалишга тайёр тургандир? Бир пайтлар ҳақиқий санъат асарларини ўқишга эътибор сусайиб, ҳамма жойни зўравонликка, ҳаёсизликка, шаҳвониятга ундовчи “китоб”лар босиб кетганди. Ахир, ўша хатонинг жабрини ҳанузгача тортаямиз-ку!

⇒ 4-бет



## БОЛА БАХШИ

Етмишбой ижоди давомида отаси берган ўғитларга амал қилиб келади. Бола бахши: “Хонанда бўл, созанда бўл, аммо бахши бўлиш осонмас” деб кўп таъкидларди. Достон айтиш учун санъаткордан зехн, мустақкам хотира талаб этилади. Бола бахши ҳатто бир достонни уч кечалаб айтганини одамлар ҳалигача эътироф этишади. Бунинг учун албатта, Аллоҳ юқтирган иқтидор бўлиши керак.

⇒ 5-бет



## БЕПУЛ ЭНЦИКЛОПЕДИЯ

Википедиянинг ишончилиги ва аниқлиги фойдаланувчилар томонидан доим шубҳалилигича қолмоқда. Википедия ёлгон ёки тасдиқланмаган маълумотларни қўшгани ва саҳифаларини бузгани учун тез-тез танқидга учрайди. Бироқ илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Википедияда вандализм излари тезда зудлик билан бартараф қилинади.

WIKIPEDIA

⇒ 8-бет

## НУҚТАИ НАЗАР

# ДУНЁ ТАҚДИРИНИ МАЪНАВИЯТ ҲАЛ ҚИЛАДИ

Маълумки, таълим ва тарбия тушунчалари ҳеч қачон бир-бирига зид қўйилмаган, қолаверса, улар ўртасидаги чегара ҳам нисбий, ҳатто уларни бир-бирдан ажратиш ҳам мумкин эмас: бири пўст бўлса, бири мағиз ёки аксинча. Хўш, қай бири пўст ёки мағиз? Мабодо масалани шу тақлидда қўядиган бўлсак, инсон камолида тарбия муҳими, таълим деган саволнинг пайдо бўлиши аниқ. Хўш, таълим орқали тарбиялашми (таълимий тарбия) ёки тарбиялаб, таълим беришми (тарбиявий таълим)?

Ақсарият ҳолларда одам ҳаётида таълим муҳим, илм-билимсиз (саводсиз ҳолда) яшаб бўлмайди, тарзида мулоҳаза қилинади-ю, негадир ҳеч ким “тарбиясиз яшаб бўлади” деб дангал айта олмайди. Мабодо шундай гап тил учига келиб қолса, дастлабки мулоҳазаданоқ уни тиямиз. Негаки, тарбия билан ҳазиллашиб бўлмайди. Демак, инсон камолида тарбия бирламчи экан (худди “Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин” дегандек). Ҳолбуки, кўп (ақсарият жами) тартиблар таълимни ривожлантириш, таълимни қўллаб-қувватлаш замирига қўрилган. Масалан, талабанинг фаолияти фанларни қай даражада ўрганганига қараб баҳолагандек, унинг тарбиясизлиги туфайли ўқшдан ҳайдалиши мумкинлигини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Ёки жамоат жойида ўз тарбиясизлигини ошқора намойиш этган (масалан, қучоқлашиб турган йигит-қиз ёки беўхшов қилиқ қиладиган бола) кишига бирор жазо тайинланмаган.

Яқинда бир ҳамкасб билан иш юзасидан мулоқот қилишга тўғри келди. У гапни дабудурустан таъна билан бошлади: “Нега кейинги пайтда ёмон киноларни кўпайтириб юбораяпсизлар?”. Аслида у бирор режиссёр ёки киноактёрни танимайди, кейинги йилларда яратилган асарлардан биттасини ҳам батафсил кўрмаган, аммо тинимсиз савол ёғдиран, аниқроғи, мақоласини сўзма-сўз ёзарди. Унга билдирилган эътирозларимиздан ошқича хафа бўлди, ҳатто таҳдидга ўтди: “Аслида соҳадаги салбий ҳолатлар шу жойдан бошланган экан”. Афсуски, унга хизмат одобини тушунириб бўлмади, гап бозордаги олди-сотдига ўхшаб қолди. Шунда ҳаёлдан ҳар бир одамнинг шахсий маданияти, аниқроқ қилиб айтганда, тарбияси ҳақидаги мулоҳазалар ўтди.



## ШУНДАЙ ДЕДИ



Шоҳруҳ ГИЁСОВ, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот котиби:



Аниқ қилиб сизга айтман, биз ички ишлар органлари — давлат хизматчисимиз. Давлат хизматчисини хоҳлаган одам, хоҳлаган вақтда тасвирга олиши мумкин ва хоҳлаган платформага ушбу видеони қўйиши мумкин. Бу ҳеч қандай таъқиқланмаган. Лекин битта нарса мумкин эмас ва илтимос қилинади: ходимларнинг ишига ҳалақат бериш керак эмас. Ички ишлар органлари ходимлари, Пост-патрул ва йўл-патрул хизмати ходимлари ишига ҳалақат бермаган ҳолда хоҳлаган жойингизда ва хоҳлаганча тасвирга олишингиз мумкин.

Манба: Kun.uz

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ АСҚАД МУХТОР ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ

**“ЎТГАН АСРНИНГ СЎНГГИ ЖАДИДИ”**



Асқад Мухтор — XX аср ўзбек-турк дунёсининг бутун фожиалари ила, бутун парвозлари-ла мужжасам қилган буюк адибдир.  
Рауф ПАРФИ

XX аср ўзбек шеърляти яхши шеърларга сероб. Асқад Мухтор бу шеърлятга ўзининг катта ҳиссасини қўшган истеъдодли адибдир. Рост, аср ўйрағида қувави ҳофизаси забардаст шоирлар мўл эди. Лекин мудҳиш ўттиз еттинчи йилдан кейин олтимишинчи йилларгача бу нафис дала тап-тақир бўлиб қолди. Шу орада бу бўтана дарёда, дили савз дарёда битта кўприк собит бўлди. Бу кўприк Фитрату Чўлпонларнинг гўзал оҳанглари, ҳур фикрларини, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Рауф Парфилар шеърлятининг ўтли ҳаяжонлари, фикрчан руҳият кўтаришларига туташирди.

## МУАММО

Форсларнинг бир ажойиб ҳажвиеси бор: кечаси осмонни булутлар қоплаган пайти икки сархўш одам йўловчининг олдида чиқишибди. Иккаласи унинг билакларидан маҳкам сиқиб, “Осмонда нимага ой кўринмаяпти?” — деб ҳоли жонига қўймапти. Шунда ҳалиги йўловчи булардан осон кутулишни ўйлаб, “Билмасам, мен бу ерлик эмасман”, — деган экан. Бу матални бекорга эсламадик. Атрофимизда юзини булутлар тўсган ойга ўхшаб борлиги сезилмай турган муаммолар талайгина. Лекин биз бу муаммолардан “Бу ерлик эмасман”, — деб кутулиб кетолмаймиз-да.

**“ҲАММАНИНГ ЎЗ ДАРДИ БОР...”**



ёхуд “МАРДИКОР БОЗОРИ”дан репортаж

Пойтахтимиздаги Кўйлик ва Чорсу бозори атрофлари, Ибн Сино массиви. Бу жойлар нимани ёдингизга туширди. Ҳа, англадингиз, чамаси: **МАРДИКОР БОЗОРИ**. Агар мабодо орангизда бирортангиз психолог бўлсангиз-у, кузатиш учун сизга ҳаётдан, жамиятдан, инсонлардан, ўзидан норози, аламзада, жиноятга мойил одамлар керак бўлса, тўппа-тўғри ўша жойларга бораверинг. Керагича топасиз. Ахлоқсизлари ҳам талайгина. Тунов куни Чорсу атрофидаги мардикор бозорига биз ҳам бордик. Биласизми, қандай туюлди: у томонларда дунёнинг ранги худди эски замонларнинг фотосуратлари каби оқ-қора. Ёшлар, ўрта ёшлилар, катта ёшлилар, эркалар, аёллар, қизлар... Йўқ, бу жойда улар жинсу ёшга қараб

## ОБУНА - 2021

### Мен нима учун “Hurriyat”ни ўқийман?

“Дилга яқин, злға яқин”, деган гап бежиз айтилмаган. Ҳар бир инсон кўнглига, дилига мос ва хос нарсага интилади. Ҳар бир инсоннинг ўз таъби ва мўйли бўлади. Одатим шунақа, олди-қонди, узук-юлук, баландпарвоз гапларни ёқтирмайман. Шу босидан, газета ва журналларни саралаб ўқийман. “Hurriyat” ўқувчини бефарқ қолдирмайди, мулоҳазага ундайдиган мақолалари билан ўқийди. Айниқса, танқидий, таҳлилий мақолалардаги дангаллик, рўй-роштак ўқувчида бугунги маънавий ҳаётга бўлган ташналикни қондира олади.



Газета саҳифаларидаги буюк алломалар, таниқли инсонлар ҳаёти ва фаолиятига оид мақолаларни ҳам қолдирмай ўқиб бораман. Чунки уларнинг ҳаёт йўли ёшлар учун ибрат мактабидир. Зеро, миллий маънавиятимиз, маданиятимиз, боқий қадриятларимиз ва тафаккуримизнинг теран илдизлари улғў бобокалонларимиз ёзиб қолдирган бой илмий, маданий ва маънавий меросдан баҳра олади. Шу жиҳатдан ҳам бу газета республикамизда ўз ўрни ва мақедага эга. Ишонман, ўзини зиёли, деб билган одам “Hurriyat”нинг ҳар бир сонини интиқлик билан кутади. Қасбим билан боғлиқ қундалиқ ишларимни саранжомлаб, албатта, столим устидаги ўзим обун бўлган газета ва журналларни варақлайман. Уларнинг орасида “Hurriyat” таҳлимлари тепада туради. Мутлола баъраварда маънавий ҳордиқ оламан, чарчогимни чиқараман, тафаккуримни чарқлайман.

“Hurriyat”чилар бундан кейин ҳам одамларнинг дилидаги мавзуларни, элимизнинг истиқболига хизмат қиладиган бахс-таалаб ҳамда мунозарали материалларни ўз саҳифаларида муҳраб бораверсин.

Яна бир гап. Биз шифокорлар бемор соғайиши учун, дардига малҳам топиш учун курашамиз. Лекин матбуот аҳлини ҳам “ҳамкасбларимиз” десам хато бўлмас керак. Чунки журналистлар — жамиятдаги дардни, иллатларни илғай олиши, дадил кўтариб чиқиши, “давосини” айта олиши билан жамият шифокорларидирлар. Ана шундай дадил, ўткир газета ҳисобланаган “Hurriyat” энг сезимли нашрларимдан. Шу сабабдан унга келгуси йил учун ҳам обуна бўлдим.

Кормил АБДУВОҲИДОВ, Сурхондарё вилояти кўп тармокли тиббиёт маркази бош врач, олий тоифали шифокор.

Қадрли юртдошлар, 2021 йил учун обуна давом этмоқда. “Ўзбекистон почтаси” АЖ, “Матбуот тарқатувчи” АК ҳамда соҳага дахлдор бошқа корхоналар орқали обунани расмийлаштиришингиз мумкин.





### ТАДБИР

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Бухоро вилоят бошқармаси биносида ОАВ ходимлари учун матбуот анжумани бўлиб ўтди.



## Ҳамкорлик натижалари

Бошқарма мутасаддилари анжуман қатнашчиларини мазкур йилнинг 11 ойи давомида амалга оширилган ишлар ҳамда келгусидаги режалар билан таништиришди.

Маълумотларга кўра, ўтган давр мобайнида кўрилган чора-тадбирлар натижасида давлат бюджетига 67,3 млрд. сўмдан ортақ қўшимча солиқ ва мажбурий тўловлар ҳисобланиб, шундан 16,8 млрд. сўм давлат бюджетига ундирилган. Тадбиркорлар фаолиятига оид 724 та тарғибот тадбирлари олиб борилиб, 500 та янги иш ўринлари яратилган.

— Журналистларимиз Департаментимиз томонидан қонунчиликни мустақамлашда олиб борилаётган ишлар мазмуни ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда шаффофлик, ошкоралик тамойиллари, шунингдек, жорий йил 11 ой давомида қилинган ишлар тахлили билан яқиндан танишишди. Шунингдек, ҳуқуқий мавзуда ижод қилаётганлар сафида бўлишни истаётган ёш журналистлар соҳа фаолияти билан

яқиндан танишдилар, — деди Департаментнинг жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўйича катта инспектори Нилуфар Аҳмедова.

Анжуманда пандемия шароитида юртимизда эълон қилинган карантин даврида Департамент ходимлари томонидан вилоятдаги деҳқон бозорларида “Даладан дастурхонга” тамойили асосида арзонлаштирилган савдо ярмаркаларини ташкил этишдаги назорат ва дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари савдоси билан шуғулланувчи тадбиркорлар билан олиб борилган профилактик тадбирлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Яқинда қонунчиликни мустақамлаш, қонунбузарликларнинг олдини олишда ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган бир қатор журналистлар тақдирландилар.

Мохира ШАКАРОВА.

### ТАЛҚИН

## Тарихни билмак ўзликни билмакдир

Тарихий иборалар, атамалар халқнинг тарихий босиб ўтган йўли, шаклланган маънавияти, руҳиятининг кўзгуси ҳисобланади. Улар замирида миллатнинг кечинмалари, мураккаб синовили даврлари, умиди, орзу-армонларининг ифодаси бўлади.

Маълумки, аجدодларимиз Буюк ипак йўлининг чорраҳасида илм-маърифат, тижорат ва турли халқларнинг яшаш тарзи, келиб чиқиш тарихи билан шуғулланиб келишган. Шунингдек, халқимизга хос бағри-кенглик, олижаноблик, меҳр-муруват, меҳмондўстлик ва меҳнатсеварлик сингари фазилатларни ўзга юрт одамларига ҳам ўрнак қилиб кўрсата олган ва бу маънавий юксаклик жорий сайёҳлари томонидан эътироф этилган ўтмишдан маълум. Мамлакатимиз мустақилликка эришган, халқимизнинг узоқ тарихи, юксак маънавияти, ноёб истездоди ва умминсоний кадриятларини дунё ҳамжамиятига яна бир бор очиб-ошкор намойиш этиш имкони пайдо бўлди. Илмга, ижодга, қашф этишга интилиш халқимизга муносиб фазилат эканлигини жаҳон ҳамжамияти ҳам тан олди.

Ана шундай дамда ўз ватанини, туғилиб ўсган жой тарихини билиш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи деб биламан. Ҳар бир юртининг совуқда пана, иссиқда соя бўладиган улуғ масканлари, суянса таянч бўладиган буюк фарзандлари бўлади. Ёшлар эса уларни билмоғи, фахрланмоғи ва издош авлод бўлиб улғаймоғи лозим.

Энг муҳими, гоҳ сокин, гоҳ шиддат билан оқиб бораётган вақт дарёсидан ёшларнинг илмга ташналик чанқоғини қондира билишимиздadir.

Шундай экан, кечаги кунимиз тарих, бугунимиз эса эртага тарихга айланади. Ўзинг яшаб турган жойини борица ёзиб қолдириш, келажак авлодга етказиш тарихимизга асқотади, албатта. Биринчилардан бўлиб Учтепа тумани та-

рихи ҳақида изланишлар олиб борганимдан бехад хурсандман. Албатта, тарихни тулақони, нуқсонларсиз ўрганиш, тадқиқ этишнинг иложи йўқ. Қареддир, нимадир қолиб кетиши табиий.

Учтепа тумани тарихини ёзишда, асосан, шу мавзуга оид материаллар, ёзма манбалардан фойдаландим. Туманинг тарихий ривожланиш босқичларига назар солиб, пойтахт билан узвий боғлиқлигининг гувоҳи бўлдим.

2020 йил 15 сентябрда туманимизнинг 43 йиллиги нишонланди. Ушбу санада “Учтепа тарихи” китобимнинг нашр этилиши кўпчиликка совға бўлди.

Кўп йиллардан бери шу тумандаги “Янгийўл” маҳалласида яшаб меҳнат қилиб келаётганлигим боис, ҳар доим маҳаллам ҳақида нимадир ёзгим келаверарди.

Бу ҳақида кўп уйлардим. Умр йўлларимда эътиборга молик воқеалар бордек, ёзсам, фарзандларим, набираларим ва уларнинг болалари, кўшнларим, маҳаллам, қолаверса, туманимга керак бўлади-гандек туюлаверди.

Айниқса, китоб туманимизни, ундаги маҳаллаларни билишда ёшларга кераклиги, муҳим тарбиявий аҳамияти борлиги мени қизиқтириб қўйди.

Қолаверса, Юртбошимиз раҳнамоллиги ва кўмакларига асосида туманимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ҳаётида улкан ислохотлар амалга оширилмоқда. Ташкилот ва корхоналар, маҳаллалар, сайилгоҳлар, кўчалар янгитдан бунёд этилди, эски завод ва фабрикалар ўрнида янгилири қад ростлади. Қўсқа вақт ичида замонавий кўп қаватли



Покиза МПРСАВУРОВА,  
Халқ таълими аъlochиси.

иморатлар, мактаб ва боғчалар барпо қилинди. Буларнинг ҳаммаси бугун янгилаётган Ўзбекистон бўлса, эртага юксалган Ўзбекистон бўлиб тарихга қиради, албатта.

Булар ҳақида ёзма бўладими?! Албатта, китобни ёзишда “Нуроний” жамғармасининг туман бўлими раиси Зикрилла Асатов, туманимиз ҳокими ёрдмчиси Авазбек Маматовлар яқиндан ёрдам кўрсатишди. Улардан миннатдорман.

Қани энди мамлакатимизнинг барча туманлари тарихи зарҳал қарфлар билан тарих зарварақларига битилса, сўнг вилоятлар тарихи яратилса, Мустақиллик даври тарихини ҳеч қандай бўёқларсиз яратиш анчайин осон бўларди.

### МУНОСАБАТ

## Ошкоралик адолат мезони асосида курилади

Конституциямиз қабул қилинганнинг 28 йиллиги муносабати билан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг халқимизга йўлланган байрам табриғида: “Ўтган қирк йил даврида жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий қиёфаси, одамларимизнинг дунёқараши бутунлай ўзгаргани, ҳар бир юртдошимизга мамлакатимизнинг тарақиётига муносиб ҳисса қўшаётгани Бош қомусимизнинг ҳаётбахш қудрати ва улкан салоҳиятидан далолат беради”, дея алоҳида таъкидланди.

Шу ўринда Юртбошимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор туфайли миллий матбуотимизда ҳам кескин бурлишлар, ўзгаришлар даври бошланганини айтиб ўтиш жоиз. Бугунги оммавий ахборот воситалари бундан 4-5 йил олдинги даврдан тубдан фарқ қилади. Шаффофлик, очкиклик тамойилига асосланган сўз эркинлиги, ошкоралик журналистларимизнинг ўзларига бўлган ишончини оширмоқда.

Оммавий ахборот воситаларида меҳнат қилаётган ижодий ходимлар давлат билан халқ ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини талаб даражасида бажаришга масъул. Айни дамда ошкоралик адолат мезонлари асосига курилиши лозимлиги ҳар қачонгидан ҳам аҳамиятли эканлигини ҳисобга олсак, матбуот, ОАВ аҳли зиммасига нечоғли улкан масъулият юкланганини англаш қийин эмас.

Бугун юртимиздаги оммавий ахборот воситалари, яъни газета ва журналларда, телерадиоканалларда, ижтимоий тармоқларда фаолият олиб бораётган журналистларимиз анча эркин ижод қилмоқда. Бу ҳам мамлакатимизда Конституцияда баён этилган инсон ҳуқуқлари ҳимояси амалда ўз исботини топаётганидан далолатдир. Ҳаммасларимиз авваллари мақола ёзиш, эшиттириш тайёрлаш ҳамда тасвирга олиб телеэкранда намойиш этиш иложи бўлмаган мавзу ва ҳолатлар ҳақида эндиликда бемалоғ материаллар тайёрлаб, эълон қилаётимиз. Камчилик ва муаммоларни дадил кўтариб чиқмоқда. Энг муҳими, юзга келган айрим муаммоларга ечим топилишида кўмаклашиш, жамоатчилик назорати таъминлашига ҳисса қўшаётимиз.

Албатта, буларнинг барчаси мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратилаётганининг самарасидир. Аммо бу борада соҳа вакилларининг ҳаммаси ҳам берилган сўз эркинлигидан тўғри фойдаланяпти, дея олмаيمиз. Айрим журналист ва блогерлар томонидан соҳага оид қонунчилик, Ўзбекистон журналистларининг касб этикаси кодекси талаб ва нормаларига риоя қилмаслик ҳолатлари учраб турибди.

Шу боис, уюшмаимиз оммавий ахборот воситалари ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган тадбирларни узулусиз ўтказишни режалаштирган. Шу мақсадда ташкилотимиз қошида Ўзбекистон Журналистларининг касб этикаси кодекси бўйича жамоатчилик кенгаши ташкил этилди, ҳозирда ҳар бир вилоятдаги бўлимларимиз қошида ҳам бошлангич кенгаш фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Ўтган ҳафтада “ОАВ орқали шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига пугур етказилгани, тухмат ёки ҳақорат қилинганлигидан ҳимояланиш (матбуот ва интернет нашрлари мисолида) масалалари” мавзусида ҳуқуқий жур-

налистика кенгашимиз ўтказган давра суҳбатига ҳар бир ҳамкасбимизда бўлиши зарур бўлган “Журналист этикаси” китобчасини нашрга тайёрлашга келишиб олинди. Бу борада тажрибали юристлар — Бобқул Тошев ҳамда Олимжон Ўсаров билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Қўлланмадан журналист ҳимояси химоясига, у дуч келиши мумкин бўлган турли муаммолари ҳолатларга оид энг муҳим маълумотлар ўрин олади.

Шу ўринда айтиш жоизки, Президентимиз ҳамиша соҳамизга алоҳида эътибор қаратиб, профессионал журналистларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга доимо тайёр эканлини таъкидлаб келади. Биз соҳа ходимлари давлатимиз раҳбарининг эътиборига муносиб бўлишга астойдил ҳаракат қилишимиз, билдирилаётган ишонччи оқлашимиз, берилаётган эркинликдан тўғри фойдаланишимиз зарур.

Давлатимиз раҳбари Конституция байрами муносабати билан халқимизга йўллаган байрам табриғида: “Сўз ва матбуот эркинлиги, оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш, давлат ҳокимияти идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатилган қаратилган ишларимизнинг таъсирчанлигини янада ошираимиз”, дея таъкидлади.

Ушбу фикрлар биз ижод аҳлига катта ишонч, куч беради. Учинчи Ренессанс — миллий тарақиётимизнинг учинчи босқичи пойдевори яратилаётган айни давларда янада фаол бўлиш ОАВ ходимлари, қолаверса, уюшмаимиз жамоаси зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Шунинг баробарида, янги ўзгаришларга гувоҳлик ва дахлдорлик ҳар биримизни руҳлантиради, бизга куч-гайрат бағишлайди, янги марралар сари чорлайверади.

Зеро, матбуот ва оммавий ахборот воситалари жамиятда ўз ўрни, салоҳиятини мустақам тутиб, холислик ва адолат мезонига қатъий амал қилган ҳолда давр билан ҳамнафас бўлмоғи зарур.

“Янги Ўзбекистон” газетасининг 2020 йил 11 декабрь сонидан олинди.

## Бухоро шаҳар прокурори Ж.Фозиловнинг муурожаати юзасидан Республика идоралараро комиссияси тузилди

Жорий йил 11 декабрь кунидан буён интернет тармоғи орқали Бухоро шаҳар прокурори Ж.Фозилов томонидан тарқатилган видеомурожаатларда прокуратура органларининг айрим ходимлари томонидан қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўйилаётгани маълум қилинган.

Ж.Фозиловнинг важларини синчковлик билан ҳар томонлама воҳисона текшириш ҳамда ҳолатга баҳо бериш мақсадига жорий йил 14 декабрь кунин Республика идоралараро комиссияси тузилди.

Комиссия таркибига Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Олий Мажлис Сенати, Президент ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги,

Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бухоро вилоятидаги Халқ қабулхонасининг масъул ходимлари кириштиди.

Комиссия муурожаатда келтирилган қонунбузарлик ҳолатларини жойига чиққан ҳолда, Ж.Фозиловнинг барча важларини бевосита ўзининг иштирокида чуқур ва хоҳисона ўрганилишини ташкил этади.

Текшириш натижалари бўйича қўшимча равишда хабар берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси.  
Манба: Uza.uz

### АҲВОЛ

Яқинда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш, Ички ишлар ва Фаёқуллодда вазиятлар вазирликлари Давлат солиқ қўмитаси билан ҳамкорликда маҳаллаларда давлат тили туғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини ўрганиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар режасини ишлаб чиқилди. Албатта, ҳеч бир иш сабабсиз бўлмайди...

Бир кун Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртини тамомлаган акаимиз нолиб қолди: “Институтни тугатиб, Тошкент шаҳрида ишга қоладиган бўлдим. Қайси идорага бормайин рус тилини биласизми, деб сўрашди. Рус тилида сўзлаша оламан, лекин... десам, йўқ, биз сизни ишга ололмаймиз, дейишди. Шу-шу бир йилча оворага бўлиб юрдим, яна турганин қўлловимга қайтганман”...

Бу эски гап дерсиз, аммо бирон-бир ҳужжатни тайёрлашда ёки баъзи фанларга оид илмий ишларни рус тилига таржима қилдириш шартлиги учун катта-катта долларларнинг таржимон қидириб юрганлигига кўпчилигимиз гувоҳимиз.

Қизғини, мустақиллигимиз сабаб, имкониятимиз кенг бўлишига қарамай, ўз тилимиздан фойдаланиш, уни амалда қўллашга ё ўзимизда ҳафсага олмайдим, ё иштиёқимиз анча суст. Босис нима экан?

Мана мисол, “Яқинда бир йилгилида, — деб гап бошлади танишим, — залга 50-60 чоғли одам тулганган, мажлисини олиб борувчи сўзининг бошида ўзбекча гапира бошлади. Шу пайт залдан бир киши “На русском пожалуйста, если можно”, деб

## Ичимизда яшаётган “ВАҲИМА”

қолди. Бошқарувчи худди айб иш қилгандек, қўлини кўксига қўйиб, букилиб, узра дедик: “Как скажете”, деди-да, билса-билмас, қийналиб, “чапарастасига” русча гапира кетди. Зал тўла ўзбек анграйганча қўшиб сўрапти. Бу хоҳласанг ўз тилингда гапиравер, мен қарши эмасман дегани. Шунинг учун уни айблагша ҳаққимиз йўқ, — дедим.

Айтмоқчи бўлганим, айб ўзимизда, ичимизда. Аввало, рус тилини ўзимиз чала билмади, сўзни тўлиқ англаб етмаймиз, шундай экан, яна кимни айбдор қилиш керак... Келинг, яна бир мисол, бугун кўпчилигимиз йўл ёқалари, ошхона-ю савдо шох-бочалари ва маиший хизмат масканлари пештоқларига турфа рангларда, ўзи ҳам тушунайдиган ажнабий тилда атама номларни ёздириб, бебаб ташлади. Гўё энди дўконини харидор босиб кетадигандек, гўё юриш қилиб келади, гўё юриш қилиб кетади. Бу ҳам майли. Отанг ўзбек, онанг ўзбек бўлса, тилинг ўзбекчада чиққан бўлса, бунинг устига Ўзбекистонда яшасанг, сенга нима зарил тилинг ўтмайдинган ажнабий номни? — десанг миқ этмайди.

Айтишининг мумкин, “улар хусусий”, деб, аммо Ватан туйғуси-чи, уни ўзимиз шакллантирмадик, бизга четдан келиб ким шакллантириб беради? Тил халқ-

ники, миллатники, давлат тили мақомини олди, энди айтган-чи, яшаб турган уйимиз тагидан сув сизиб чиқса, унча чиқаётган жойини бекитмагунимизча тўхтайдими? Албатта, йўқ. Уйни упирагунча тўхтамайди. Демак, зарба жойига урилмас экан, кучимиз пашша ўлдиришга сарф бўлаверарди.

Бундан ташқари, бир ойлик кузатишларим шуни кўрсатдики, вазирликда тайёрланаётган хат-ҳужжатлар, маълумотнома ва бошқа ёзмамаларда вазирликдан хатоликлар аксарияти шаклан бир-бирига ўхшаш экан.

Идоралараро ёзишмалар бир вақтлар рус тилида ёзилган хатлардан таржима қилинган намуналар асосида шаклланган ҳолда бўйича ёзилмоқда. Масалан, биринчи жумла шундай бошланади: “Ваше письмо изучен в министерстве...” вазирлик номи ёзилади. Ўзбекча шакли “Сизнинг хатингиз фалон вазирликда, вазирликда ёки вазирлик томонидан ўрганиб чиқилди”.

Вазирликда ёки вазирликда, дейилса, вазирликнинг жонсиз от эканлигидан маъноси сезилмайди. Аммо вазирлиги томонидан дейилса, жуда хунук. Ахир қандай қилиб вазирлик ўрганиб чиқади. Уни масъул ходимлар ўрганиб чиқиши керак-ку? Шунинг учун хатларда



вазирликнинг масъул ходимлари деган иккита сўзни қўшиб, зарур эмас — шарт.

Бундан ташқари, “Мы этот проект поддерживаем и притензии не имеем”нинг ўзбекча шакли: “Биз лойиҳани қўллаб-қувватлаймиз ва эътирозимиз йўқлигини маълум қиламиз”. Қўллаб-қувватлайдиган бўлсангиз эътирозни қайд этишга қандай ҳожат ёки зарурат бор. Ахир бу гап мантқиққа зид-ку!

Аслида бундай мазмундаги жавобнинг ўзи хурматсизлик. Яна қимдир бош қотириб, меҳнат қилиб, бир ҳужжат тайёрлагандан кейин фикр беринг, десаю жавоб юқоридаги мазмунда бўлса, бу биргаликда қилинадиган ишга бефарқ муносабатни, ўзаро ҳамкорликка қоқайдликни билдиради, холос.

Агар шу жавобни: “Биз лойиҳани қўллаб-қувватлаймиз, идорамизга юклатилган вазифаларни ҳамкорликда бажаришга тайёримиз”, деб ёзсак, қўллаб-қувватлаши-

мизга ҳамоҳанг тарзда ташаббусни рағбатлантирган бўлаимиз. Президентимиз таъбири билан айтганда: “Ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эътиром ва садоқатни она Ватанга эътиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қондасига айлантиришимиз лозим”. Бу сўзларни онгимизга шиор, қалбимизга малҳам қилиб олсак, албатта, шифо ўз-ўзидан келади. Энг муҳими, ана шунда қўзлаган мақсадимизга эришамиз.

Шухрат РЎЗИЕВ,  
Республика Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг Маънавий-маърифий ишлар самаралорининг ошириш, давлат тили туғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси.



**СУЛОЛА**

— *Хивада бир ёш бахши чиқибмиш кўрсангиз хайрон қоласиз, ўзиннан дутори улли(катта)миш. Шундин зўр овози бормиши, эшитганлар "тасдиқ" айтадилар.*

1908 йилнинг айна баҳорида Хива қалъаси ичинда шундай гап тарқалган экан. Қурбонназар бахшини эшитганлар уни зўр бериб мақташса эшитмаган, кўрмаганлар бир кўришга иштиёқманд эдилар. Қалъада тарқалган гап Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Сохий — Феруз қулоғига етибди. Ферузхон ҳам адабиёт ва санъат шайдо-симасми бахшини устози билан бирга саройга олдиришга фармон берибди. Тўққиз-ун яшар Қурбонназар устози Жуманазар бахши ҳамроҳлигида дуторини олиб хон хузурига киради.

Муҳаммад Раҳимхон Феруз кичкина бахшидан бир нома эшитиб кўрди.

— *Туфалам-а, кўз деймасин, ино бола бахши. Устозинга, ота-онанга раҳмат ўғлим. Камол топ. Бундан кейин сенинг отинга Бола бахши бўлсин, деб Қурбонназарнинг елкасига қоқиб кўйди.*



# БОЛА БАХШИ

## Унга тахаллусни Муҳаммад Раҳимхон Феруз қўйганмиди?

Шу-шу хивалик номдор бахши Қурбонназар Абдуллаев Бола бахши бўлиб эл ичинда танилди. 1899 йилда таваллуд толган Бола бахши ўн ёшидан кўлида сози билан элга хизмат қилди.

Айтишларига қараганда Бола бахшининг аждоқлари ўз даврининг кўзга кўринган атоқли бахши ва гўяндалари бўлишган экан. Сандиқда бобосининг дутори кўз қорачиғидай сақланаркан. Қурбонназарнинг отаси уни ҳеч кимга бермай авайлаб сақларкан.

Қурбонназар 3-4 ёшларига калсал бўлади. Иситмаси сира тушмайди. Уни табибга кўрсатишади. Табиб унга дахлама беради. Кунларнинг бирида онаси дахламани сандиқдан олмоқчи бўлиб турганда Қурбонназарнинг кўзи сандиқдаги дуторга тушади. Бу дутор унинг бобосининг ёдгор бўлиб ҳеч кимга кўрсатилмас ва берилмас эди. Бобоси буни қачонки менинг қоримни тутган болаларингга берасан, деб васият қилган экан. Қурбонназар онасига дуторни олиб беринг деб хархаша қилади. Дуторни олиб беришга эса отаси рўхсат қилмаган. Қурбонназар шу пайт хушидан кетиб йиқилади. Юзига сув севиб ўзига келтиришади. Энди у йиғлашга тушади. Онаси боласидан айрилиб қолишдан кўрқиб дуторни сандиқдан олиб беради. Бола йиғидан тўхтаб ўзига келади. Кун кундан соғая бошлади. Бу воқеани табибга айтишади. Табиб боладаги ғайритабибий ҳолни сезади. Унда Аллоҳ томонидан берилган илоҳий бир куч бор эди.

Унинг боболаридан қолган эски лисонда ёзилган дoston китоблари бўлиб хат саводи чиққан, Қурбонназар ота-онаси ёрдамида уларни ўқиб ўргана бошлади. Уша йиллари Хивада Ёдгор буломончи ва Жуманазар бахшилар ном қозонган машҳур бахшилардан эдилар. Отаси Қурбонназардаги иқтидорни пайқаб, уларга шоғирликка беради. Ёш Қурбонназар бу икки бахшидан дутор чалишни, бахши термаларини ўрганади.

— Ёдгор буломончи илми дарё санъаткор эди, — деб эслган эди Бола бахши шоғирдлари билан суҳбатда. — У кишидан жуда кўп нарса ўргандим. Бола бахши бўлиб танилишимда шу устозларимнинг ҳиссалари кўп.

Бола бахши репертуарида "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам", "Ошиқ Маҳмуд", "Бозиргон", "Хирмондали", "Авазхон", "Кампир", "Қирқининг", "Сафар кўса" каби 20 га яқин дoston бўлиб, улардан "Бозиргон" дostonи 1965, "Авазхон" дostonи 1967 йили ёзиб олиниб, нашр этилган. У ҳаёти давомида жуда кўплаб анжуманларда иштирок этган. 1937 йилда Москвада ўтказилган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадасида, 1938 йили Ўзбекистон халқ ижодчилари олимпиадаси, Халқаро

Олтойшунослар фольклор анжуманида қатнашган. У 1938 йили Ўзбекистон халқ дostonчиси унвонини олган.

Бола бахши ҳаёти давомида юздан зиёд шоғирдлар ештирган. Уч Республика халқ артисти Комилжон Отаниёзов, Ивот бола, Отахон бахши, Қаландар Норматов, Карим бахши Отамуродов, фарзандлари Матқуб, Матназар, Давлатназар, Ўзбекистон халқ бахшилари Норбек ва Етмишбой Абдуллаевлар ана шулар жумласидандир.

### БАХШИНИНГ ЕТМИШДАГИ ЕТМИШБОЙ

1970 йили янги йил кириб келишига 17 кун қолганда Бола бахши ўғил фарзандлик бўлди. Етмиш ёшида кўрган фарзандига Етмишбой деб исм қўйди. Бахши бува Аллоҳнинг қариганда берган бу улуг неъматига шуқрона келтириб элга уч кеча-ю уч кундан тўй беради. Етти иқлимдан бахши шоирлар, гўяндалар ташриф буюриб соз-суҳбат қилдилар. Етмишбой бахшилар оиласи муҳитида ўсгани учун ҳам дoston кўшиқларига ошфатга бўлиб ўсди. Бола

Бу дутор унинг бобосининг ёдгор бўлиб ҳеч кимга кўрсатилмас ва берилмас эди. Бобоси буни қачонки менинг қоримни тутган болаларингга берасан, деб васият қилган экан. Қурбонназар онасига дуторни олиб беринг деб хархаша қилади. Дуторни олиб беришга эса отаси рўхсат қилмаган. Қурбонназар шу пайт хушидан кетиб йиқилади. Юзига сув севиб ўзига келтиришади. Энди у йиғлашга тушади. Онаси боласидан айрилиб қолишдан кўрқиб дуторни сандиқдан олиб беради. Бола йиғидан тўхтаб ўзига келади. Кун кундан соғая бошлади. Бу воқеани табибга айтишади. Табиб боладаги ғайритабибий ҳолни сезади. Унда Аллоҳ томонидан берилган илоҳий бир куч бор эди.

бахши қаерга борса Етмишбойнинг отининг орқасига мингаштириб олиб борарди. Дoston кечаларида унга ҳам бир икки нома айттириб кўрарди. Танимаганлар "Бахши бува, бу йигитча неварангизми?" деб сўрашарди. Исмини эшитган, йигитчанинг сону овозига қойил қолишарди. Хуллас, Етмишбойнинг ҳам отасининг Бола бахши бўлиб элга танилган ёшида халқ таниди.

Етмишбой 1988 йили тумандаги 4-умумтаълим мактабининг томонлаб, ўз иш фаолиятини Огаҳий қишлоғида ташкил қилинган "Дoston" фольклор-этнографик ансамблида бахши доирасида бўлиб бошлади. 1990 йилда Тошкент давлат Маданият институтининг кундузги бўлимига ўқишга киради. Уқшани 3-курсдан сиртиқига ўзгартириб, тумандаги Саёт кишлоқ маданият уйи бадий раҳ-

барини, 1999-2009 йилларда Янгиариқ туманидаги 40-сонли Нафис санъат гимназия мактабида мусиқа фани ўқитувчиси, ҳамда Остона маданият маркази бадий раҳбари вазифаларида фаолият олиб боради. 2008-2011 йиллари Хива шаҳридаги 5-болалар мусиқа ва санъат мактабида "Бахшичилик" йўналиши бўйича ўқитувчи, 2009 йилдан бошлаб ҳозирги вақтгача Хива педагогика коллежида мусиқа йўналиши бўйича катта ўқитувчи вазифасида ишлаб келмоқда.

Етмишбой Абдуллаевнинг эл-юрт олдида қилган хизматлари ва бахшичилик йўналишида қилган самарали меҳнатлари инobatга олиниб унга 2011 йилда Ўзбекистон халқ бахшиси унвони берилди.

У шу пайтгача Республикамиз ҳамда жаҳон миқёсида бўлиб ўтган турли кўрик-танловлар ва халқ ижодиёти анжуманларида иштирок этиб фахрли ўринларни кўлга киритишга эришди.

Жумладан, 1982-1983 йилларда Тошкент шаҳрида ўтказилган "Санъат байрами" фестивалида Республика босқичи ғолиби, 1985 йилда Хоразм ви-

тини кўлга киритди. 2018 йилда эса ЮНЕСКО томонидан номдодий маданий мерос бўйича сертификатга эга бўлди.

Унинг репертуарида қадимий дostonлардан "Авазхон", "Бозиргон", "Хирмондали", "Ошиқ Маҳмуд", "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам", Гўрўғли туркумига кирувчи дostonлар ўрин олган. Бир қанча хорижий давлатларда бўлиб бахшичилик санъатини намойиш қилган. Жумладан, Украина, Озарбайжон, Туркменистон ва 2006 йилда Европанинг Швейцария, Германия, Бельгия давлатларига бориб концерт дастурлари намойиш қилиб томошабинлар олқишларига сазовор бўлди.

Етмишбой Абдуллаев уч нафар фарзанднинг отаси. Катта ўғли Авазхон Абдуллаев Хива туманида мактабгача таълим муассасасида мусиқа таълимидан сабоқ беради. Ўртанча ўғли Қурбонназар Абдуллаев Урганч давлат университетининг мусиқа йўналишининг 2-босқич талабаси, кенжа ўғли Баҳромжон Абдуллаев ҳам отасидан дostonчилик сир-асрорларини ўрганиб келмоқда.

— "Аллоҳ бермаса натали, бош олиб қайта кетали", — дейилган дostonлардаги номаларда, — дейди Ўзбекистон халқ бахшиси Етмишбой Абдуллаев. — Отанининг тақдирини мисолида бахшичилик илоҳий эканини ёрқин кўриш мумкин. Аллоҳ берган иқтидор, истевдод бўлмаса кўлга тор олиб эл олдига чиқиш қийин. Бахшичилик — бу бир театр. Бахши образга кириб гоҳ Гўрўғли бўлиб, гоҳ Бозиргон бўлиб гавдаланиб тинловчига дostonнинг мазмун-моҳиятини етказа олиши керак бўлади.

Етмишбой ижоди давомида отаси берган ўғитларга амал қилиб келади. Бола бахши: "Хонанда бўл, созанда бўл, аммо бахши бўлиш осонмас" деб кўп таъкидларди. Дoston айтиш учун санъаткордан зехн, мустаҳкам хотира талаб этилади. Бола бахши ҳатто бир дostonни уч кечалаб айтганини одамлар ҳалигача эътироф этишади. Бунинг учун албатта, Аллоҳ юқтирган иқтидор бўлиши керак.

Етмишбой ҳам отаси бошлаб берган Бола бахши дostonчилик мактабини давом эттириш йўлида янгидан-янги дostonларни ўрганиш, шоғирдлар тарбиялаб халқ хизматига йўллаш борасида тиним билмай ижод қилмоқда. Бугунги кунда унинг Расулбек Абдурахмонов, Севинч Отажонов, Рустамбой Оллақуллов, Камолатдин Бўжонов каби шоғирдлари эл хизматига камарбаста бўлишмоқда. Буларнинг парвозидан эл ҳам, устози ҳам мамнун.

Болабой МАТҚУРБОНОВ, журналист.

**ЖАҲОНДА НИМА ГАП?**

**ТРАМПДАН КЕЙИНГИ ДЕЗИНФЕКЦИЯ**

**АҚШнинг амалдаги президенти Доналд Трамп Оқ уйни тарқ этгандан кейин у ерда дезинфекция ишлари ўтказилади.**

Бундай қарор Трамп ва унинг маъмуриятидаги кўплаб ходимлар коронавирусга чалингани билан боғлиқ ҳолда қабул қилинган.

Дезинфекция ишлари президент сайловлари ғолиби деб эълон қилинган Жо Байден Оқ уйни эгаллашдан олдин ўтказилади. 14 декабрь куни сайловчилар хайъати кўпчилик овоз билан демократ Жо Байденни АҚШ президенти сайловларининг ғолиби деб эълон қилди. Энди Трамп Оқ уйни тарқ этган, у ердаги барча деворлар бир неча соат давомида дезинфекция қилинади. Бундан ташқари, Оқ уйда ҳавони тозалаш ишларини ўтказиш ҳам режалаштирилган.

Октябрь бошида Трамп ва унинг рафиқаси Мелания Трамп коронавирусга чалинганди. Трамп бир неча кун ҳарбий госпиталда даволангандан кейин Оқ уйга қайтганди.



**ҚОРБОБОЛАР АНЖУМАНИ**



**Янги йил байрами бекор қилинмайд!** Ушбу шпор остида Бутунжаҳон Санта-Клауслар анжумани бўлиб ўтди. Унда 100 дан ортиқ мамлакатлардан ўн мингга яқин "соқолли сеҳрғар"лар иштирок этишди!

Сиз кутганингиздек, анжуман онлайн-конференция сифатида бўлиб ўтди. Санта-клауслар пандемия пайтида Янги йилни қандай нишонлаш бўйича маслаҳатлашдилар. Глобал виртуал учрашувнинг яна бир мақсади — хайрия! Тўпланган маблағ БМТнинг Болалар жамғармасига юборилади.

**ҚИРГИЗИСТОНДА ПРЕЗИДЕНТЛИК УЧУН 18 НОМЗОД**

**Қирғизистонда Марказий сайлов комиссияси бирданига 18 нафар президентликка даъвогарни рўйхатдан ўтказди.**

Улар орасида собиқ бош вазир, ишбилармонлар, сиёсий фаоллар, ҳатто бир неча ишчилар бор. Сиёсий мусобақада бир нафар аёл ҳам иштирок этади. 63 киши рўйхатдан ўтишга ҳаракат қилди, аммо кўпчилик 30 минг имзо тўплай олмади ва миллион сўм (тахминан 12 миң АҚШ доллари) миқдорига гаров пули тўлай олмади. 4 октябрь куни хабарингиз бор, Бишкекда бўлиб ўтган парламент сайловларидан сўнг мамлакатда кўп кунлик тартибсизликлар бошланган эди, сўнг давлат раҳбари истеъфога чиқди.



Президент сайлови 2021 йилнинг 10 январь куни бўлиб ўтади. Кейин фуқаролар референдумда қатнашадилар ва Қирғизистон учун қайси бошқарув шаклини танлашни ҳал қиладилар: парламент ёки президент республикаси.

**ТВИТТЕР ҚОТИЛИ**



**Японияда 9 киши твиттердаги хабарларидан сўнг уларни ўлдиргани учун 30 ёшли Такахино Сираиси ўлимга маҳкум этилди.**

Қотилга Твиттер қотили лақаби берилган. У ўз жонига қасд қилиш истаги ҳақида ижтимоий тармоққа ёзган одамларни ўлдирган. Ҳимоячи судланган кишининг жабрланганларнинг истакларини бажарганини айтиб, енгилроқ жазо талаб қилди.

Суд қарорига кўра, тиббий кўрик пайтида йигитнинг ақли расолиги тасдиқланди. Бу эса ҳаракатлари учун жавобгар эканлигини аниқлатади. Сираиси шафқатсиз қотилликлардан ташқари, қурбонларнинг жасадларини қисмларга ажратишда ва уларнинг қолдиқларини сақлашда ҳам айбдор деб топилди.

Ўлдирилган тўққиз кишининг саккиз нафарини Япониянинг турли префектураларидан келган 15 ёшдан 26 ёшгача бўлган қизлар ташкил этади. Тергов натижасида аниқланишича, уларнинг ҳаммаси ҳам ўз жонига қасд қилишни истамаган.

**ҚОРБОБО COVID-19га ЧАЛИНГАНМИДИ?**

**Бельгиядаги қариялар уйида Синтерклаас костюмидаги аниматор — маҳаллий Қорбобо 75 кишига COVID-19 юқтирганлиги айтилмоқда.**

Тадбирдан қариялар уйидаги 150 нафар киши иштирок этган. Синтерклаас ва унинг ёрдамчилари — Қора Питлар никоьба бўлишган, аммо улар икки метрлик ижтимоий масофани сақлашмаган. Байрамдаги ҳамма меҳмонлар ҳам никоьб тақишмаганди.

Қариялар уйига бориб келгандан сўнг Қорбобо касал бўлиб қолган. Уч кундан кейин COVID-19га топширган тести ҳам мусбат чиққан. Шундан сўнг маҳаллий тиббиёт вакиллари қариялар уйидагиларни оммавий текширувдан ўтказишга қарор қилишди.

Натижада 61 қария ва 14 муассаса ходимида COVID-19 аниқланган. Бельгиянинг етакчи вирусологларидан бири, Лейвен катolik университети ходими Марк Ван Ранст биргина аниматор шунча одамга вирусни юқтиришига шубҳа қилмоқда. Унинг тахминига кўра, ҳодисага хонани яхши шамоллатмаслик сабаб бўлган бўлиши мумкин.



**ҚОР ФЕСТИВАЛИ**



**Саппоро қор фестивали ташкил этилганидан бери биринчи марта коронавирус пандемияси туфайли бекор қилиниши хабар қилинмоқда.**

Саппорода аънанавий ўтказилмайдиган қор фестивали Япониянинг энг йирик киши тадбирларидан бири саналади. Фестиваль февраль ойида Хоккайдо оролида бўлиб ўтади. Биринчи киши тадбир 1950 йилда бўлиб ўтган ва ушандан буён бирор марта ҳам қолдирилмаган.

Таъкидланишича, тадбирда йилгига тахминан 2 миллион киши иштирок этади. Фестиваль 65 миллиард иена

(626 миллион АҚШ доллари) даромад келтиради.

2019 йилда Саппородаги қор фестивалининг 70 йиллик юбилеи 4-11 февраль кунлари бўлиб ўтган. Байрам давомида иштирокчилар муз ва қордан юзлаб ҳайкалларни ясаганди.

Хориж ОАВ хабарлари асосида Г.МАТЁҚУБОВА тайёрлади.

**ЭЪЛОНЛАР**

Тошкент темирйўл касб-хунар коллежи томонидан Каримбаев Салимбек Қодомбой ўғлига берилган 31.03 тартиб рақамли № 5321838 диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Шодиёна 2-тор кўчаси, 1-уй Шамасқудов Сайидқабар Тулкунович номига 07.05.2014 йилда берилган № TS 0003563/9072-50 сонли кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги 82-умумтаълим мактаби тамонидан Юлдашев Отабек Тулкуновичга 1989 йилда берилган аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

✓ МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

# “Ўзсаноатқурилишбанк” ЕТТБ БИЛАН

МОЛИЯЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

“Ўзсаноатқурилишбанк”да Европа Тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ)нинг Молиявий институтлар гуруҳи бошқарувчи директори Ф.Малиж бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди. Ушбу учрашув қўшма лойиҳаларни амалга ошириш доирасида илгари эришилган натижаларнинг мантиқий давомидир.



Учрашув давомида молиявий институтлар ўртасидаги ҳамкорликнинг жорий ҳолатига доир долзарб масалалар ҳамда ўзаро алоқаларни янада кенгайтиришни устувор йўналишлари муҳокама этилди.

Кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш ва молиялаштиришнинг “яшил” инструментларини жорий этиш соҳасидаги лойиҳаларни ҳамкорликда амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Кун тартиби доирасида томон-

лар “Ўзсаноатқурилишбанк” тизимида молия институтини халқаро стандартларга мувофиқ трансформация қилиш бўйича олиб борилаётган ишларга доир масалаларни ҳам муҳокама этди.

Учрашув якунлари бўйича томонлар келгусидаги ўзаро муносабатлар режалари борасида фикр алмашди ва биргаликдаги ташаббусларни имплементация қилиш учун навбатдаги қадамлар белгиланди.

Бундан ташқари, ЕТТБ фазначилик

амалиётларини такомиллаштириш, активлар ва пассивларни бошқариш, шунингдек, “Ўзсаноатқурилишбанк” ходимларининг малакасини ошириш ва мижозларининг молиявий саводхонлигини юксалтириш жараёнларида иштирок этди.

**Маълумот учун:** “Ўзсаноатқурилишбанк” ва ЕТТБ ўртасидаги ҳамкорликнинг фаол босқичи 2019 йилда бошланди ва бугунга қадар кичик ва ўрта бизнес вакиллари ташаббусларини қўллаб-қувват-

лашга оид бир неча қўшма лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, савдони молиялаштириш, банк мижозларининг экспорт-импорт амалиётларини молиялаштириш, ЕТТБ кредит кафолатлари билан тасдиқловчи банк сифатида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида фаол ҳамкорлик олиб борилмоқда.

Банк ахборот хизмати



## JOYDA – МОБИЛ ИЛОВАСИ МИЖОЗЛАРГА МАЪҚУЛ КЕЛМОҚДА

Миллий матбуот марказида “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан жорий қилинган янги хизматлар тақдимотига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда банк раҳбарияти, тегишли таркибий бўлинмалар масъуллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

“Ўзсаноатқурилишбанк” тизимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармонида белгиланган вазифаларга мувофиқ, банк фаолиятини автоматлаштириш ва хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш, самарали инфратузилма яратиш, кредитлашни бозор шартлари асосида амалга ошириш каби чора-тадбирлар бутунлай янги маънода ташкил этилмоқда.

Сўнги пайтларда кенг жамоатчилик ўртасида скоринг, озик-овқат саватчаси, экотизим, софт коллекшн каби тушунчаларга тез-тез дуч келинмоқда. Бу эса ҳеч кимни ажаблантирмапти. Чунки банк тизими модернизация қили-

ниб, рақамлаштириш босқичларида ўтмоқда, жараёнлар мақбуллаштирилиб, бош офис ва сотув нуқталари ўртасидаги вазифалар қайта тақсимланмоқда.

Халқаро молия корпорацияси (ХМК) билан ҳамкорликда банкни трансформация қилиш бўйича янги бизнес модел ишлаб чиқилди. Банкни стратегик ривожлантириш дастури ва мижозларга хизмат кўрсатиш стандартлари яратилди. Банк хизматларининг онлайн турлари жорий этилди, кредит ва омонатни расмийлаштиришда ҳужжатлар сезиларли даражада қисқартирилди, валюта айирбошлаш ва халқаро хизматлар ўтказмалари амалиётлари оптималлаштирилди. Корпоратив бизнес учун кредит маҳсулотларини сотиш бўйича янги бизнес жараёни, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида эса алоҳида страте-

гия ишлаб чиқилди.

Анжуманда мутасаддилар банкдаги трансформация жараёнлари қайси босқичда давом этаётгани, айрим тузилмалар фаолияти янгиланиб, уларнинг вазифалари блокларга бўлинган ҳолда йўлга қўйилаётгани, тизимда қайси лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилиб, қай бирлари ўрганиш ҳолатида эканлигига батафсил тўхталиб ўтилди.

— **JOYDA платформаси аҳолига анъанавий банк хизматларини кўрсатиш бора-борида, уларни савдо компаниялари билан ўзаро беголовчи савдо майдончаси эканлиги билан қулайлик яратмоқда, — дейди “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Бошқарув раиси ўринбосари Улуғбек Таваккалов. — Платформада мерчантларнинг товарлари кредитга сўғурта полиси ва етказиб бериш хизмати билан бирга тез ва қулай сотилмоқда. Агар сотув суръати бугунгидек давом этверса, унда мижозларга озик-овқат саватчасидаги товар ва хизматларни янада кенг доирада тақдир этиш имкони туғилади. Биз илова имкониятларини ҳам горизонтал, ҳам вертикал усулда ривожлан-**

тириб бориш ҳаракатида-миз. Масалан, яқинда JOYDA иловасида НитоРау орқали тўлов тизимини ишага туширдик. Мазкур тизим андройд телефонларида Нито картаси орқали харидларни амалга ошириш имконини берди.

Журналистлар эътибори банк тизимида яқинда янгиланган тартибда иш бошлаган Call марказ, қарздорликларни марказлашган ҳолда сўндирувчи софт коллекшн ҳамда андеррайтинг хизматлари фаолиятига қаратилди.

— **Call марказимизнинг асосий вазифаси банк маҳсулотлари бўйича мижозларга кенг тушунча бериш, банк маҳсулотларини уларнинг мақсад ва эҳтиёжларига қўра йўналтириш, маркетинг излашишларини олиб бориш ва раҳбариятга мижозлардан келиб тушган муносабатлар асосида таклифлар киритиб боришдан иборат, — дейди “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Ахборот хизмати раҳбари Бехзод Бозоров. — Шунингдек, марказ мутахассислари ижтимоий тармоқлардан келган саволларга ҳам жавоб бериб,**

аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишга кўмаклашади.

Қарздорликни марказлашган ҳолда сўндириш маркази ўз номига қўра, банк кредит маҳсулотидан фойдаланган мижозлар билан ишлайди. Бугунги кунда марказда махсус психологик тестдан муваффақиятли ўтган 20 нафар ходим фаолият юритиб, уларнинг ҳар бири кунига 300 тагача кўнғирқоқ асосида мижозлар билан мулоқот қилмоқда.

Андеррайтинг — кредит ажратишнинг марказлашган тизими бўлиб, у банк томонидан юридик ва жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар бўйича ҳужжатларнинг ортиқча тўсиқларсиз, қисқа муддатда кўриб чиқилишини таъминлайди.

Шунингдек, тадбирда журналистларга банкнинг республика молия бозорига тугган ўрни, хорижий ҳамкорлари, молиялаштирилган йирик лойиҳалари хусусида ҳам маълумотлар берилди.

Янги хизматларидан — JOYDA мобил иловаси, ипотека кредити, микроқарз, “Sog’ligim-boyligim” омонати ҳақида ҳам кенг тушунчалар берилди.

Х.ҚОДИРОВ.

✓ АКС-САДО

“Hurriyat” газетасининг 2020 йил 25 ноябрдаги 42-сонида “Мушук муриллайдими ёки хуриллайди” сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Шу мақолани ўқиб Президентимизнинг мазкур йилнинг 20 майида Адиблар хиёбонидаги ёзувчи ва шоирлар, зиёлилар билан бўлган учрашувда: “Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавияти”, деган гапларини эсладим.

## Таржимачилик техникага қолибдимми...



Бунга сабаб, сўнги йилларда таржимачилик ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Аслида, чет эл муаллифларининг сара асарларини ўзбекчага ўгириш ҳам таржимондан катта маҳорат талаб қилади. Чунки, у хориж бадиий адабиётини ўзбекчада гапиртириши керак. Истаймизми-йўқми, жаҳон адабиёти, санъати ва маданиятини ўрганиш ҳамда ўзлаштириш таржима орқали амалга оширилади.

Биламизки, жаҳонга машҳур рус адиблари — Толстой, Чехов, Достоевский асарларини Абдулла Қаҳҳор, Мирзакалон Исмоилий, Иброҳим Ғафуровдай сўз санъаткорлари таржимасида ўқиганимиз. Ёш ижодкорлар Шаҳноза Асад Чехов ҳикояларини, Гулчехра ва Гулбаҳор Азимовалар Достоевский романларини янги, яъни қайтадан она тилимизга ўгиришгани кувонарли, албатта. “Таржима илмида, мумтоз асарлар янги даврда янгича нигоҳ билан ўқилади, деган бир кўз қараш бор. Кўрайлик-чи, беш қалам аҳллари шундай даҳо адиблар асарларини бизга қай тахлит тақдим этишган экан?” — деб қайд қилади мақола муаллифи Зўриддин Исомиддинов. Ва ўз мақола-сида янги таржималардаги гализликларни келтириб ўтади.

Тарихга бир назар. Атоқли таржимон Ғайбулло Саломов билан суҳбатлашдим. Суҳбат чоғида атоқли олим Очил Тоғаев ҳам бор эди. Бу иккала аллома устозлар ҳозир ора-мизда йўқ. Аввало, таржима ниҳоятда катта машаққат билан амалга ошириладиган нафис бадиий ижод, бунинг устига миллатлараро муносабатларнинг мезони, ўлчови, адолат билан айтганда, миллий туйғу, ўзлик тарбияси эканлигини ўшанда англаганман. Василий Шукшин ҳикоялари, тожик ёзувчиси С.Ақобиров қиссаларини ўғирганим “неча пул”лигини тушуниб етдим.

Таржима шундай қудратли бир кучки, мен уни хассос таржимон, инглиз олими Мард Эдвард Риз тимсолида кўраман. У қарийб ўн беш йил давомида чўқур изланган ва урганган даҳо асар “Ўткан кунлар”ни инглиз тилига моҳирона таржима қилди. “Ҳақиқатан ҳам шундай, мен айна пайтда инглиз тилига таржима қилиб тугатган Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи Марказий Осиё ва жаҳон адабиётида ўхшашли йўқ асардир. Абдулла Қодирийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш мен учун шунчаки ўқув машғулотни вазифасини ўтагани йўқ. Асар таржимаси мендан катта куч талаб этганининг босиси шундаки, адиб романига шунчаки “персонажлар”ни эмас, балки менинг ҳаётим қарашларимни шакллантирган қиссани жо этган. Асардаги Отабек, Қумуш ёки мен яхши кўрадиган Ҳасанали каби адабий персонажлар номини таҳлил қилиб ўтиладиган маъҳум, тўқима образлар эмас. Ушбу машҳур образлар тимсолида мен бутун профессионал фаолиятим давомида Ташкент, Қўқон ҳамда Вашингтонда яшаб, бирга ишлаган инсонлар қиёфасини кўраман”, деган эди.

Муаллиф — соҳа билимдони З.Исомиддиновнинг мана бу фикрларига нима дейсиз? “Ахир, ўзингиз айтинг, бирон лугатда ўриснинг “тринадцатый” деган сўзи бошқа тилга “ўттиз” (тридцать) деб ўгирилганини кўрганмисиз? Бўлар экан. “Кавказ асир”и ҳикоясидаги Жилин ва Костилин деган рус асарларига ёрдам берган Дина — ҳечам ўн уч яшар қизалоқ эмас, аслида ўттизини уриб қўйган жувон бўлиб чиқди. Ишонмасангиз ўқиб кўринг:

“Прибжежала девочка — тоненькая, худенькая, лет тринадцати и лицом на черного похожа. Видно, что дочь...”  
“Ана буниси эса шоввоз таржимон хонимнинг каламидан чиққан:

“Озингина, нозиккина, ўттиз ёшлар атрофида бўлган қиз югуриб келди. У қорачадан келган татарга ўхшарди. Қизи бўлса керак”. ( “Hurriyat” 2020 йил 25 ноябрь).

Дарвоқе, таржимон қўлига қалам олганида: кўз ўнгидаги китобни назаридан ўтказиб, қандай таржима қилиш, асл моҳият-маънунини ифода этиш — бу ўринда икки миллат ўзлиги ва менталитетини ўйлаши лозим. “Bookmedianash” мутаржимларининг ботирқалами шарофати билан ўзбек тилига ўриштакхлит жумлалар қилиб келаяпти. Масалан, “Телба” (Достоевский) романидаги мана бу телба-тескари жумлаларни ўқиган, персонажларни жиннисанги бир кимса бўлса керак, деб ўйлаб қолдим...

Яна ким билди дейсиз, эҳтимол бу таржимон аёлларнинг қўлида ҳамма нарсани сўзма-сўз таржима қилиб ташлайдиган бирон компьютер дастури бордир? Йўқса, хали тўрттагина хикояни ҳам ўгириб қўрмаган бу хонимларга шундай катта романларни ҳаш-паш дегунча, ўқувчи қўлига етгунча қилиб ўғирмоқ, шундай дилбар хикоялар гулзорини пайхон қилиб ташламоқ осон бўлтими? (“Hurriyat” 2020 йил 25 ноябрь).

Таниқли тилшунос олим ўз мақола-сида куюнчақлик билан: “Толстой, Чехову Достоевскийларни бир пулга олмай, асарларини фақат пулли манба, деб билган удадубуррон “ноширининг иши”, деб қайд этди.

Хуллас, ўз устида ишлаган, қобилияти ва салоҳияти етарли ҳамда юксак маданияти ижодкор (айниқса, таржимон) адабиётга ўзбекча меҳр бағишлайди, азалли буюк маънавиятни асарнинг қалб-дилига олиб киради.

Ақсинча бўлса, афсуски, юқоридаги мисолда айтилганидек бўлади-да!

Карим НОРМАТОВ,  
профессор.

Реклама ҳуқуқи асосида.

# “ЎТГАН АСРНИНГ СЎНГГИ ЖАДИДИ”

1 Бу ҳассосликнинг тил-сими қаерда? У қандай қилиб Чўлпон билан Рауф Парфини боғлай олди? У нима учун шахсизлик гирдобиди ҳам шахс бўлиб қола билди? Буни тасвирлаш мумкин бўлмас-да, хаёл ақл селиди қолган гўзал ва абгор кўчаларга кириб чиқади. Қирқ йиллаб тош ёққан бу руҳият кўчаларида қандайдир умид ва ишонч топишининг ўзи мўъжиза.

Асқад Мухторнинг фикр шеърляти — ўткир ақл шеърляти, нозик фаҳмлар оҳангзори, ўзига хос маърифат манзилли. Балки шу боис ҳам ўртадаги қанчадан-қанча маънисиз, мадҳия-боз, жимжамали шигирлар ўз гирдобиди ўзлари чўкиб кетганлари ҳолда табиий оҳанг, инсоний сўз, рост ҳислар кемаис бўлган Асқад Мухтор шеърлари кўмағида уфқ сари сузиб боришга қайта-қайта эҳтиж сезамиз. Бу шеърят гирдобиди чўкиб кетилганда ҳам хурлар ва дуралар оғушида ниманидир маънисига етиш арзир-лидир... Ахир чин шеърнинг қонидан татиб кўриш қанчали саодатли.

Бунинг устига шеър ёзиб, тилга тушишининг ўзи оддий ҳодиса эмас. Аммо бунга астойдил кўзлаган омма тилмочи мақсадига эришиши, олқиш гулларига кўмилиб кетиши мумкин. Лекин ундан-да ноёб, ҳамшиша, вақтида қадрланмавермайдиган, бирдан тушуниш амрималоҳ, ахли хосларнинг чўққидиғи нигоҳи учун ёғду бўладиган яна бир шеърят бор.

Ўрислар лўнда алфозда уни “интеллектуал”, деб таъриф беришади. Омавий “ура-ура, ҳай-ҳай”чилик замонида бу шеърят бизда ҳам ниҳоятда дармонсизланиб шўри қуриши борган сари авжлади. Лекин шу даврда ҳам Асқад Мухтор интеллектуал шеърлятининг толиби илми, махфияси ва дардсари бўлиб қолмай, ўрталикда устози сониёт ҳам бўлди. Шу боис ҳам диди ниҳоятда баланд, таъби нозик ўзбек шеърляти ўси, турли йўсинда шаклланди. Асқад Мухтор сўз маъдониди буй кўрсатганда эса бу санъаткорлик, зукко ва гўзал кўнгиллиликнинг мўъжиза кўрсатиши ўрни бўшаб, хазон қоллаб, умидсизланиб ётарди. Бу йўл унинг зехни билан умидланди, овози билан безалди, ўрганишлари билан тузалди. Унинг кўп яхши шеърлари жаҳон шеърляти тажрибаларидан хабардор, уларнинг энг авангард шакллари хайрихоҳ, лекин ўзбекиона хис-фикрдан туғилган миниатюралардир.

Адиб 1997 баҳоридида бу ёруғ оламни ташлаб кетди. Асқад домла билан ҳаётда учрашиб, гурунларини олиш орузи мен учун Қиёмат қадар армонга айланди.

Энди ўйлайман: биз ёшлар Асқад Мухторни шахсан билмай-танимай нега унга интилганмиз? Улуғ асарларининг мутолааси ёрқин таассуроти боис, албатта. Бироқ шунинг ўзи учунгина эмас. Давраларда Асқад Мухторнинг бутун ва етук шахси, маърифати, маданияти, зиёлилиги, мил-

латни озод кўриш йўлидаги ўзига хос оқилона кураши ҳақида гап-сўзлар ҳар замон қўлоғимизга чапиниб, юракларни тўлқинлантириб, умидлантириб эди. Орадан қанчадир ўтди, билмадим, қўлимга: “Асқад Мухтор замондошлари хотирасида” (“Маънавият” нашриёти, 2003) китоби тушди. Ва айтиш шунки буюб боис ҳам Асқад домла шахсиятига оид талай савол ва қизиқишларимга бир қадар жавоб топдим. Жонқуярлиги, мардлиги, фидойилиги, довуғи юрагимни қувонча тўлдирган бўлса, оғир хасталикка чапиниб, жуда азобланиб бу дунёдан кетгани бағримни ўртади. Бугунги зиёлиларимизнинг пешқадами, ўша пайтлар талаба бўлган Иброҳим Ғафуров ўтган асрнинг 50-йилларини хотирлаб, ёзади: “Ҳеч ким ёшларга Асқад Мухторчалик дўст эмас деб тушунарди”. Хали ҳаваскор ижодкор Асқад Мухторнинг “Опа-сингиллар” романи ҳақидаги таассуротларини бир кичик тақриз қилганида, адиб ёш дўстини олдиға қақриб, роман китоб ҳолида нашр этилаётганини айтиб, сўнгсўз ёзиб беришни илтимос қилади.

Ҳолбуки, довуғи собик иттифоқнинг чеккаларига етиб борган адибга истаган танқидчи бу сўзни ба-жонидил ёзиб бериши мумкин эди. Йўқ, адиб романини тарғиб-ташвиқ қилишдан олдин, ундан ҳам юксакроқ мақсадни кўзлайди — ёш умидли ижодкорни рағбатлантириб, парвозга чоғлайди.

Асқад Мухтор билан ёнма-ён ишлаш толеида ёзилган, университетни битириб, “Гулистон” журналида иш бошлаган, семимли шоиринимиз Абдулла Шер шундай эътироф этди: “Асқад ака ҳеч қандай ҳеч қачон илтимос қилмасди. Бир сафар эса шу аънанани “бузган” эди...”. Гап шундаки, у радиокомитет бошлиғи Убай Бурҳоновга шахсан илтимос қилиб, унинг кўл остида ишлаётган Тоҳир Малик ва Эркин Аъзамни ўз журналига ўтишга рухсат беришни сўрайди. Бу ҳам ёш истеъодларга ижод қилиш имкониятини кенгайтириш, ижодий муҳитнинг марказида бўлишга имкон яратиш эди. Фавқуллода адолатли тартиб ва демократия боис “Гулистон” журнали ўтган асрнинг 70-йилларида юртимиздаги адабий нашрларнинг карвонбошиси бўлди.

Асқад Мухтор қўлидан келганча, журъатли ва истеъодли ёшларни Қизил империя тажовузида жувонмарг бўлиб кетмаслигига уринди. Шоир Абдулла Шер жасур тенгдоши Асқар Қосим қисматидан сўзлайди. 60-йилларнинг охиридаги Ёзувчилар уюшмасидаги 500–600 киши йиғилган мушоиралардан бириди Асқар Қосим Империя зулмига қарши шеърларидан бирини ўқийди:

...Кўрмас эдим бунчалар хўрлик, Агарда мен ўрис бўлиб туғилганимда.

Бу шеърни эшитган тумонот мухлислар ўрнидан туриб, шоирни олқишлайди.

“Эртасига эса тегишли идораларнинг ходимлари келишида ва Асқар Қосимовни топиб беришларини

## ЭССЕ

сўраб, у билан “сўхбат” қилишмоқчи эканликларини айтишади. Уюшманин ижодий ишлар ва, айти пайтда ёшлар бўйича котиби Асқад Мухтор “меҳмон”лар билан бамайлихотир, бафуржа гаплашиб, Ёзувчилар уюшмаси айнан ана шундай ёшларни тарбиялаш, уларни тўғри йўлга солиш учун мавжуд эканлигини тушутиради. Хуллас, Асқад ака Асқарни аждаҳо оғзидан олиб қолади”. (Талабалигимиз кечган 80-йилларда ҳам ўн йиллар олдин собиқ тузум тазйиқи билан хўрланиб, қурбон бўлиб кетган Асқар Қосимнинг мардона шеърлари оғзидан-оғизга кўчиб юрарди).

Ўзбекистон Ёзувчиларининг 1984 йилги қурултойида энди истеъодли шоир Рауф Парфи маҳдудликда, даврининг “улуг” ишларига бефарқликда уриб чиқилади. Асқад Мухтор эса айти шу фарз, ноҳолис танқидларга раддия ўлароқ Рауф Парфининг “Сабр да-рахти” (1986) китобиға сўзбоши ёзган. Мақоланин номиеқ совет мафжураси хайбаракатчиларига ҳақли жавоб эди: “Шеър — шоирнинг ижтимоий виждони”. Мақола ниҳоясида Асқад домла умидли шоирдини гўзал бир дуо қилиб, ишонч билан дейди: кичик жилғалар дарёға олиб чиқади.

Ажабки, Асқад домла истеъодлар ҳимоясига оқилона сўзи, нуфузи билан имкон қадар ҳаракат қилар экан, бу билан ўзига ҳурмат-эҳтиром хирмонини йиғиб ормаган. Гуруҳбозликдан ҳам узоқ бўлган. Буни Яратганнинг розилиги, ҳақиқатнинг тантанаси учун, руҳиятларнинг хўр бўлишини астойдил истаганидан қилган.

Ўтган аср бошида миллат ойдинлари маърифат ила омманни уйғонтириш, илм билан истибоддан қутилиш йўлида улуг бир ҳаракатга келганини, Туркистонда жаҳидчилик бошида Маҳмудхўжа Беҳбудий турганини, жаҳидларнинг кўтариб чиққан масалалари, айтган фикрлари бугун ҳам долзарб эканлигини энди-энди амалий бир эътироф этишга ўтди. Бу жаҳда ҳукумат миқёсида мавжланяпти. Зеро, бунга маънан биз муҳтожмиз, ахир. Асқад Мухтор ўз замонида буну чуқур англаган, бу жаҳид, маънавий исплоҳотчи боболаримизни юрагидан севган, улар ҳаёт йўлини ўрганиш тақиқдалигиға қарамай, бунга бел боғлаган олиму уламоға ихло с қилар, айтмасға ҳам ўзини уларнинг издоши, ўқувчиси деб билган.

Шунинг учун ўз имконияти даражасидан чиқиб ҳам шонли ўтмишимизни ўрганивчиларни қўллаб-қувватлар, юши билмас уларни кўриб келмафкура бало-қазоларидан ҳимоя қилишға тиришар эди. Биргина мисол. **Академик Матёқуб Қўшқонов шундай хотирлайди:** “1981 йил август ойида **ТИП ва адабиёт институтини мафкура жиҳатидан текшириш учун нуфузли комиссия тузулиб, Тошкент шаҳар партия комитети жаҳидизми окловчи, мил-**

латчилик гоьларини ташвиқ қилувчиларни излайди. Уларға Ёзувчилар уюшмаси раҳбарияти ҳам ёрдамға шошилади. Ўша вақтда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг бош муҳаррири бўлган Асқад Мухтор эса шўравийларнинг фарзли ниятини фаҳмлаб, асосий ҳужум зарби институт директори (Ўшанда М.Қўшқонов институт раҳбари бўлган) бошиға тушүшини тушүниб, қалқон тутайди. (Бунинг учун раҳмат эшитмаслигини билган, албатта...). Газетаға В.Туриковнинг институт директори хақидаги ижобий мазмундаги мақоласини беради. Ўшбу мақолага кўзи тушган Ёзувчилар уюшмаси котибларидан бири зудлик билан бош муҳаррирни ҳўзурига чорлайди. Текшириш кетаётган пайтда бу мақолани нега бердингиз деб ўшқиради. Шўнда Асқад Мухтор котибға қарата: “Кечагина “Правда” (Иттифоқ Коммунистлар партиясининг бош наشري эканиға ишора қилиб)да институт директорининг катта мақоласи эълон қилинди. Сиз бу газета раҳбарини ҳам кабинетингизға чақиринг-да танбех беринг! Жазосини олсин”, дейди-да, эшикни ёпиб чиқиб кетади”. Бунинг ўзи ҳам жаҳидчилик ҳаракатини қўллаш, миллатни маҳдудликда тутишни истаб, ўйин билан ҳужум қилаётганларға гўзал бир “финт”, оқилона кураш, курашда биродарлик эди. Асқад Мухторни яқиндан билган ҳассос адиб Хайридин Султон шунинг учун ҳам буюк устозини “Ўтган асрнинг сўнги жадиди” деб атагани диққатға сазовордир.

Ва умуман Асқад Мухтор ўзбек адиблари, ўзбек адабиёти билан, аввало, туркий қардошларимиз таниш бўлишлигини, ўртада чамбар-час биродарлик, бирлик бўлишини истаб, шу йўлнинг жонқуярларидан бўлган. Ижоди эса туркийгўй ёзувчиларнинг аксарияти томонидан қадрланган. Жумладан, дунёға энг олиқ кетган, собиқ иттифокнинг доғ олиқ муқофотиға тирикликда мушарраф бўлган уч қардошларимиздан бири, бошиқдр шоири Муштай Карим жуда камтаринлик билан шундай дейди. **“Асқад Мухтордек ижодкорлар ҳар йили туғилмавермайди”.** Қолаверса, Асқад Мухтор ўзбек адабиётини жаҳонга чиқишида, сара асарларимиз маромига етказилиб таржима қилинишида собиқ иттифоқ даврида олтин кўприк бўла олган. У “Тундалиқлар”ида Истиклолга етгандан кейин етти-сақкиз йил ўтиб ҳам бирон-бир яхши асаримиз рус тилиға таржима бўлмаганидан ҳақли куйнади. Буну собиқ иттифокнинг тарқаб кетишиға боғламаслик керак, дей, инқилобғача ҳам анча-мунча бадийий-тарихий дурдоналаримиз бу тилға таржималар қилинганлигини тарихий далиллар билан кўрсатиб, ҳаммаси ихлол ва фидойиликка бориб тақалишини ўқиради. Унинг бадийий таржима ҳақидаги мана бу фикрини эса олтин қоида қилса арзийди: “Таржимондан аниқлик талаб қилманг. У чизмақан эмас, рассом!”.



\*\*\*

Яна шундай азиз он етди. Асқад Мухторнинг дилбар шеърларини жуда соғиндик. Шундай кунларда ул зотнинг таваллуди юз йиллигини юрт-давлат миқёсида нишонлашға киришилди. “Шарқ” нашриётида муҳташам бир китобда “Танланган асарлар”и нашрини тайёрляпмиз. Китобнинг бошида ўша ўзи мўъжаз, ҳайбати улуг, маъноси кўп қаватли шеърлар. Ўртада роман, қисса ва ҳикоялардан иборат, ўтган асрнинг 60-йилларидидаёқ довуғи олис Америкаға етиб бориб, йирик шарқшунос Э.Олворт “Жамон таъсир кучини йўқотмаган” деб эътироф этган насрий асарларининг саралари, китобнинг сўнгида эса сочилган маънавий жавоҳирлари “Йўқу қочганда...” — Тундалиқлар. Шу ажиб мутолаа, зиёли мактаб таъсирида бўлса керак, тунда ҳам уйғониб кетавердим. Тонига яқин кўзим илинганда туш кўрибман. Аллақандай катта бир қорозға шеърый мисралар қўлда ўчирғич билан ўчириб келинапти. Қора қаламда ёзилган эди-да... Аммо бир ерга келганда бир шеър ҳеч ўчмади. Шарикли ручкада ёзилган яшил сийёҳдаги мисралар чиқиб келаверди. Ярим ухлоқ, ярим уйғоқ бир тарзда — туш ва ҳуш орасида: “Э, бу Асқад Мухторнинг шеъри-ку!” деб юбораман-да, бутунлай уйғониб кетаман. Турибоқ корректурасини уйға олиб келганимға кўзим тушиб, узоқ пайт қўлга олмаганимдек, яна овоз чиқариб шеърларни ўқишға тутинаман. **Яшарканман ҳақиқат гамида Астойдил ёлғўдим дўстлар, дўстлардан, Йиллар дарё каби музлаганда Шулар олиб ўтди мени музлардан. Шулар мени кўтармади кўкка, Хато қилганимда шулар боллади.** “Эшик қоқайтир эллим. Тавба...” мисраси билан бошланган бир бет ҳажмидаги сарҳисоб ушбу шеърда бир инсон бутун умрида кечирадиган

аччиқ ва тотли қисмат реал ҳақиқат, киноя, рамз, афсус, сир, нимқоса, тағ қатлам фикрлар қуюнида ўқувчи тасаввурда жонли тиклаб берилдики, ҳаракатдаги ҳаёт давомиди тафаккурға ҳам қўмиб нималарни эсламай-сиз ўзингизча. Унинг аксарият шеърлари ана шундай улуг бир максимал таассурот ясайдиган сиқик, қатламли, лутфи, нутқи, оҳанги, реалияси ўшамасдир. Шақли эса ўзгариб, қалқиб, фикр ва залворига ҳамоҳанг вужудни қамраб, қалбни забт этади. Завқлини таълим олмасиз. Мен тўғанимни ўнлаб қоғозлар қоралашдан тийилиб, мана бу шеърларни ҳеч бўлмаганда санамасдан-да ўтиш катта юткизикай. “Қўр”, “Бирор соат”, “Портрет”, “Хом олма”, “Сендан сени яхши билар хотининг”, “Эслайсанми жоним, у чокларини...”, “Тун кўйнида”, “Турди — Мажнун”, “Умр нега ширин”, “Болаликда...”, “Утар-кетар”, “Икки гул”, “Инсонликнинг маъноси ўзгарди”, “Чегарадан ўтганда...”, “Заррама-зарра”, “Телба дарё экан, умр дегани...”, “Бойчечак”, “Икки эшик ораси”, “Мендан нима қолар”, “Наво”, “Аяжонимиз”, “Мўъжизалар”, “Мактаб”, “Тунда”, “Аслиға тўғри” каби юзлаб шеърлари борки, уларни фақат шеър деб бўлмайдил. Тасаввур, тафаккур, илм, завқ ва шавқ, фалсафий ва психологик ҳаёт мактабини сабоқлари ўқувчини эсанкиратиб қўяди. Ростдан ҳам уларни шарҳлашға руҳоний қувват етмайди. Асқад муаллимнинг ўзларидан ошириб бир нарса деёлмаймиз: “Шеърни тахлил қила бошласанлар, ғашмиға тегади. Баҳорги соҳавонинг кимёвий таркибини ҳам текшириш мумкин. Аммо ундан қўра, шундай кўкрак тўлатиб нафас олган яхшироқ эмасми?” Шеърляти севанлар учун ана шу муссаффо ҳаводай Асқад Мухтор шеърлари...

Вафо ФАЙЗЎЛЛОХ.

# Ёмғир хайдаганид боғдан ҳамлани

**Болалик**  
Қишлоқ тепасида Ой, гўлжон ўйнар юлдузлар,  
Ой ёғдуси кечага ёғилар фавворадек.  
Юлдузлардай порлайди хайратга тўла кўзлар,  
Ўша тун оғушида мени кутар болалик.

Учқур орзулар ҳали армонга айланмаган,  
Яхши кимсалар ҳали ёмонга айланмаган,  
Туғуллар ҳали оппоқ — гуьмонга айланмаган,  
Мўъжас ўша ховлида мени кутар болалик.

Қайдадир қолиб кетган — мен уни қидираман,  
Бекинмачок ўйнаган ерлардан қидираман,  
Кўй хайдаган адиблар, қирлардан қидираман,  
Бекинган жойида жим мени кутар болалик.

Юрагим гупиллаиди тераклар шивирдан,  
Димогим қиқирлаиди тандирнинг ҳовуридан,  
Болалик ёди келар онамининг шууридан,  
Онамнинг соғинчида мени кутар болалик.

Эҳ, болажон, опислаб, сендан йироқ кетдим мен,  
Минг шаклга кирдим мен ва сени унутдим мен,  
Қанчалик улғайсам-да, шуну анелаб етдим мен,  
Отамнинг қабри узра мени кутар болалик.

Хотира бор ортимда, ҳали ортага қайтиш бор,  
Унутилган дамларни ҳали қайта айтиш бор,  
Ҳар гуллашини сўлиши, ҳар ишда бир тафтиш бор,  
Йўлимнинг адоғида мени кутар болалик.

\*\*\*  
Ёмғир хайдаганид боғдан ҳаммани,  
Соғилдан энтиқиб кетган эди бог —  
Богни кучиб олган бийдай кечани  
Бугмоқ чун ёғдулар ташларди сиртмоқ.

Шоёқинлар уйкуға кетган эди жим,  
Нигоҳлар узра тун тортагани парда.  
Ох, бунча муаттар ёмғирдан кейин —  
Насимлар кезинар эди шаҳарда.

Нимадир керакдай содир бўлиши  
Кўнғил нимадир кўмсарди муштоқ,  
Шу ойдин тун аро ойдай тўлиши —  
Юрак ёрилшиға шай эди мутлоқ.

Алқисса, бариси жамулжам эди,  
Осмон йиртиғидан боқарди ҳилол.  
Фақат кўнғил учун недир кам эди,  
Фақат етишмасди биргина висол.

**Эртаға**  
Эртаға ғам бошқа бўлар,  
Шодлимиз бошқа бўлар.  
Ҳужму ҳажам бошқа бўлар,  
Табдиримиз бошқа бўлар.  
Эртаға кун бизга қулар,  
Балки кўнғил дарёда тўлар,  
Ҳар не келар — Танери билар,  
Эртаға кун бошқа бўлар.

Балки қувонч бешта бўлар,  
Балки алам ўнча бўлар,  
Балки ғаним юзта бўлар,  
Эртаға дўст ўзга бўлар.  
Яхши-ёмон кечди кеча,  
Ёнди бир ўчди кеча,  
Йўқлик сари кўчди кеча,  
Эртаға кеч бошқа бўлар.  
Неки бугун улга бўлар —  
Эрта келиб қулга бўлар,  
Ўзга удум, белги бўлар,  
Эртаға эл бошқа бўлар.  
Эртаға кун қалта бўлар,  
Қилгали қўл қалта бўлар,  
Юргали йўл қалта бўлар,  
Айтгали тил қалта бўлар.  
Эртаға кун бошқа бўлар.

**Мен кулсам**  
Мен кулсам,  
Табассум синдиран чехрамни,  
Жимғина кузата бошлар деворлар,  
Раҳмдил бийдалар хайратпаннашар,  
Тушунишар мени телбалар.  
Коинот йўқотар мувозанатин,  
Бирдан миллион йиллик умр туганар  
(Қалбми —  
Ўз инидан маънос телмурар)  
Ва яна,  
Ва яна ҳар гал мен кулсам,  
Қўқсимда нимадир кетар узилиб.

\*\*\*  
Фақат севиш мумкин сизни!  
Севиш мумкинми сизни?!  
Ким бор дилингизда сизнинг?!  
Ўртарми... дилингизни?

Ахли ишқ бўйлаб йўлингизни,  
Ой тилаб ораза гулингизни,  
Ваҳ, борми сизга сизнинг —  
Сочингиз-сумбулингизни?!

О, кўнғил нетсин энди ўзини,  
Ашк нетиб тарқ этсин бу кўзини,  
Қайдандир келган бир дайди ел —  
Ўйнаса кокилингизни?!

Валлох, яратган бу қизни,  
Лол этай деб сунъига бизни,  
Ҳар чоғ ошиқ этай деб мизни,  
Ҳар дам беҳуш этай деб юзни.

Бас, бу Аллоҳнинг изми —  
Фақат севиш мумкин сизни!  
\*\*\*  
Ўтди дарё йиллар,  
Умр томар чак-чак.  
Дилларимиз бўм-бўш,  
Елкада юк лак-лак.  
Давр юкин туганган  
Кўларимиз толди,  
Давр ўтиб кетди,  
Юқларимиз қолди.

Муаллиф ҳақида:  
Абдувоҳид Хайит —  
1967 йилда Яқкабоғ туманида туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)нинг журналистика факультетини тамомлаган. Филология фанлари номзоди. Шоирнинг “Жон қуши” номили шеърый китоби чоп этилган.



Абдувоҳид ХАЙИТ

\*\*\*  
Сени кўп тушундим,  
ҳаддан ортиқ тушундим.  
Нега нафрат билан қарайсан менга.

\*\*\*  
Ярим тун алаҳсиб уйғониб кетдим  
Олис бир йўлдузини чинқиригидан.

\*\*\*  
Кечагина, ўғлим, биз ҳаёт эдик —  
Шеърлятни севган динозаврлар.

50 ёшга  
Илғари кўп нарса йўғиди,  
Келажак бориди.  
Энди кўп нарса бор...

## МАШХҲУР НАШРЛАР

Ўтирган жойингизда, қўлингиздаги компьютер тугмачаси орқали ўқишингиз мумкин бўлган китоблар жамланмаси бор. Бу – Википедия онлайн энциклопедиясидир. Сиз унинг бепул ва беминнат хизматлари орқали бутун дунё кутубхонасига эга бўлишингиз мумкин. Ҳатто уни Александрия кутубхонасига тенглаштиришда. Сизга керак бўлган маълумотдан битта калит сўзи эсангиз, бас! Википедия сизга ҳар қанча маълумотларни тақдим этади. Фақат, бу қанчалар аниқ, ҳақиқатга мос? Ҳамма гап масаланинг мана шу томонида бўлиши мумкин.

Нима бўлганда ҳам Википедиянинг ақлли ва ғиж-ғиж маълумотлар орасида шошиб қолманг. Чунки у файласуф, шоир, олим, тарихчи, санъаткор, табиб, деҳқон ва яна бир неча ўнлаб соҳа вакиллари қиёфасида кўз олдимизда гавдаланиб, бизга ўз илмини “юктиради”.

Тоғдан ошиб ўтиш учун одамга тоғдай юрак керак дейишади. Википедия энциклопедиясидаги маълумотлардан сарлагини саракка ажратиш учун ҳам одамга ана шундай куч ва сабот керак бўлади.

# БЕПУЛ ЭНЦИКЛОПЕДИЯ

Википедия — бепул, бутун жамоат учун мавжуд бўлган кўп тилли универсал интернет энциклопедияси бўлиб, ундаги барча материаллар "wikipedia.org" сайтида жойлашган.

Сайт Американинг Викимедиа жамғармаси нотижорат ташкилотига тегишли бўлиб, унинг 37 минтақавий ваколатхонаси бор. Энциклопедиянинг номи инглизча "wiki" сўздан олинган бўлиб, у "тез" ва энциклопедия ("энциклопедия") сўзларидан келиб чиққан. Демак, у тезкор энциклопедиядир.

2001 йил январь ойида Жимми Уэлс ва Ларри Сангер томонидан яратилган Википедия ҳозирда интернетдаги энг катта ва энг машҳур мўълумотномаларни бизга етказди. Ахборот ҳажми ва тематик қамрови бўйича Википедия инсоният тарихида яратилган энг тўлиқ энциклопедиядир. Универсал энциклопедия сифатида Википедиянинг асосий афзалликларидан бири бу фойдаланувчининг она тилида маълумотларни тақдим этиш қобилиятидир. 2018 йил май ойига қўра, Википедиянинг 301 тилда, шунингдек, 493 тилда инкубаторда бўлимлари мавжуд. Унга 40 миллиондан ортиқ мақолалар жойлаштирилган. Википедия веб-сайти дунёдаги энг кўп ижтимоий тармоқ фойдаланувчилар кирган сайтлар орасида бешинчи ўринда туради.

### ҲАМ ФОЙДАЛАНУВЧИ, ҲАМ МУҲАРРИР

Википедиянинг асосий хусусияти шундаки, ҳар қандай интернет фойдаланувчиси унда мақолалар яратиши ва таҳрир қилиши мумкин. Бундай қўлчилар томонидан қилинган ҳар қандай ўзгаришлар дарҳол сайтнинг барча

меҳмонлари томонидан қўриб чиқилади. 2013 йил декабрь ойида ЮНЕСКОнинг Википедия асосчиси Жимми Уэлсга Википедия учун Нильс Бор Олтин медалини топшириш муносабати билан берган баёнотида, бу "биз яшаётган даврнинг рамзи ва бу нафақат восита, балки амалга оширилган орзу, инсон ақл-идроки ва Александрия кутубхонаси жамланмалари каби қадимийдир" деган эди.

Шунингдек, Википедиянинг ишончлилиги ва аниқлиги фойдаланувчилар томонидан доим шубҳалиликка қўлмоқда. Википедия ёлгон ёки тасдиқланмаган маълумотларни қўшгани ва саҳифаларини бузгани учун тез-тез танқидга учрайди. Бирок илмий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Википедияда вандализм излари тезда зудлик билан бартараф қилинади.

Википедия яратувчиларининг энг муваффақиятли қарорларидан бири бу халқаро бўлимларни тезкор равишда киритиш бўлиб. Масалан, Викининг рус тилидаги бўлими 2001 йил 11 майда, умумий стардандан бир неча ой ўтган пайдо бўлди. Бунга параллел равишда бошқа халқаро бўлимлар ҳам яратилди. 2020 йил 28 июндаги рус тилидаги Википедия бўлими барча тил бўлимлари орасида мақолалар сони бўйича 7-ўринни эгаллади.

Портал фаолиятининг биринчи йилида унга 20000 га яқин мақола жойлаштирилди, улар ҳанузгача инглиз тилида сақланиб турибди. Албатта, Википедиянинг бундай улкан ўсиши дарҳол бошлангани йўқ. Дастлабки йилларда лойиҳа қашшоқлик даврига юз тутди. Шундан кейингина тижорат филиаллари яратилди ва таниқли Ахборот технологиялари компаниялари

ва ижтимоий хизматлар ресурслари ривожлантириш учун миллионлаб хайрия қилишни бошлашди.

### ҲОМИЙСИЗ КИТОВ

Дастлаб, энциклопедия жуда ва жуда чекланган миқдорда субсидияланган эди. Масалан, интернетнинг асосий энциклопедияси эҳтиёжлари учун биринчи тўловлар ҳатто 100 000 АҚШ доллари га ҳам етгани йўқ.

Дунё бўйлаб ўн минглаб фойдаланувчи, бўш вақтини оғирлаштирган ҳолда, ҳар куни Википедияни ҳозирги замоннинг энг тўлиқ ва обрўли интернет-ресурсига айлантириш учун иш олиб борадилар.

Википедия аллақачон тан олинган маълумотларни акс эттириши керак. Бошқача қилиб айтганда, мақола бировнинг ўз ёғларини, назарияларини, илганиларини, ихтироларини, шахсий фикрларини, ҳар қандай нарсага баҳоларини, санъатшунослигини ва бошқаларини жойлаштириш учун "платформа" бўлмастлиги керак.

Лойиҳада рўйхатдан ўтган бўлими ёки йўқми, барча иштирокчилар Википедия ишлайдиган дастурий таъминот функцияларидан фойдаланишлари мумкин. Шундан қилиб, ҳар бир Википедия мақола-сига илова қилинган "Тарих" саҳифасида мақоланинг аввалги ҳар бир қайта қўриб чиқилганлиги ҳақидаги ёзувлари мавжуд. Википедиянинг ҳар бир мақоласига бириктирилган "Мунозара" саҳифаси ушбу мақола матни устида турли лойиҳа иштирокчилари ўртасида ишлашни мувофиқлаштиради.

Испланча Википедия фойдаланувчилари тижорат рекламаши ва Википедиянинг қасддан қилинган Англосентризмдаги назорати йўқлиги ҳақида ҳавотирларни кел-



## WIKIPEDIA

тириб, 2002 йил февраль ойида Википедиядан Либре энциклопедиясини яратиш учун ажралиб чиқдилар. Уша йилнинг охирида Уэлслар ҳатто 100 000 АҚШ доллари га ҳам етгани йўқ.

### САЙЕРАДАГИ ҲАР БИР ИНСОН УЧУН

Викимедиа жамғармаси 2003 йил 20 июнда яратилган. У Америка Қўшма Штатлари Патент ва савдо маркалари идораси томонидан 2004 йил 17 сентябрда Википедия савдо белгисини рўйхатдан ўтказиш учун фойдаланилган. 2004 йил 16 декабрда товар белгиси Япония томонидан ҳимоя қилинди.

Википедия — бу онлайн энциклопедия, шунинг учун битта тил бўлимидаги асосий қисмлар турли лойиҳалардан фойдаланиши мумкин ва улар турли мамлакатлардан бўлиши мумкин (инглиз тилидаги бўлимида бўлгани каби). Ушбу фарқлар сўзларнинг турли хил

ёзилиши ёки қарашлар туфайли баъзи тўқнашувларга олиб келиши мумкин.

### "АҚЛДАН ОЗГАНЛАР БОШҚАРАДИГАН РУҲИЙ ШИФОХОНА" ...МИ?

Википедия камчиликлардан холи эмас. Аввало, маълумотлар, Википедия матнлари объектив равишда тизимли ҳаракатларга бўйсунмади. Википедиядаги маълумотларнинг ишончсизлиги, мавзуларни ёритишда давом этадиган бузилишлар ва уларни ёритиш

Интернетта очик маълумот сифатида Википедияда бошқа Википедия иштирокчилари номақбул, ҳақоратли ёки порнографик материаллар ҳам мавжуд. Википедия асосчиларидан бири Ларри Сангер 2015 йилда Википедия троллар ва иштирокчилар томонидан қабул қилинганлиги сабабли, унинг учун умидсизлик бўлганини айтди. Сангернинг сўзларига қўра, Википедия "ақлдан озганлар бошқарадиган руҳий касалхона"га ўхшайди.

### "ВИКИ"ЛАР ЖАМЛАНМАСИ

Википедия эгаси ва ташкилотчиси бўлган Викимедиа фонди интернетдаги бошқа бепул нашрлар лойиҳаларини қўллаб-қувватлайди.

Викилуғат — кўп функционал луғатлар, Викицитата — иқтибослар тўплами, сўз бирикмалари, мақол ва маталлар тўплами, Викикитубхона — бепул асл матнлар кутубхонаси, Викидарслик — бепул ўқув адабиётлари, Википедия, ўзини интерактив таълимнинг янги шакли ва очик илмий лойиҳа-лар сифатида жойлаштириши, Викингилликлар — бу халқаро ахборот агентлиги ва очик манбали интернет аниқликлари наشري, Викиомбор — Викимедиа жамғарма лойиҳа саҳифаларида киритилган мультимедиа файллари учун умумий марказлаштирилган омбор. Викигид — туризм ва бепул саёҳатлар учун қўлланмалар яратишга бағишланган очик кўп тилли лойиҳаларни ўз ичига олади.

### Википедия қўйилади широрлар асосида иш қўрала:

**КЎЙМАТИМИЗ ПУЛ БИЛАН УЛЧАНМАЙДИ**

Википедия Викимедиа фонди томонидан қўллаб-қувватланган нотижорат лойиҳадир. Биз грантлар ва хайр-эҳсонлар асосида мавжудимиз ва бизнинг мақсадимиз сайёрадаги ҳар бир одамга бепул билим беришидир.

Бизнинг ишимиздан ҳар ким маълум шартларга риоя қилган ҳолда фойдаланиши мумкин.

Википедия "бепул дастур" таъминоти асосида ишлайди. Бизнинг фойдаланувчиларимиз томонидан яратилган барча материаллар нусхалаш, ўзгариш ва тарқатиш бепул. Биз талаб қиладиган ягона нарса — Википедия материалларидан фойдаланишда ушбу таъминот сақланиб қолишидир.

### БИЗ ТУРЛИ ТИЛЛАРДА ГАПЛАШАМИЗ ...

... шунингдек, 300 дан ортиқ тилларда. Уларнинг 104 тасига 10000 дан ортиқ мақола ёзилган. Қўпгина мамлакатларда Википе-

дия энг машҳур сайтларнинг ўнта-лигига киради.

### СИЗ АСЛИДА ВИКИПЕДИЯДА ХЕЧ НАРСАНИ ЎЗГАРТИРА ОЛМАЙСИЗ ...

Сиз унга фақат бирон-бир нарса қўйишингиз мумкин. Википедия — бу маълумотни илжи борица узоқроқ сақлашга мўлжалланган маълумотлар базасидир. Бугун сиз ўқитган мақола фақат ҳозирги версиясида, Аъзолар томонидан киритилган барча ўзгаришларни сақлаймиз. Бу сизга турли хил версияларни таққослаш ёки керак бўлса, аввалгисини тиклаш имкони беради. Уқувчи ҳар доим чап менюнинг пасти қисмидаги "Доимий боғланниш" ёрдамда мақоланинг бошқа бир версиясига ҳавола қилиши мумкин.

### ТАҲРИР ЁКИ ВАНДАЛИЗМ...

Википедияда мураккаб қоидалар тизими ва сифат назорати мавжуд. Таҳрирловчилар ўзгаришларни кузатиши, маълум бир муаллиф томонидан киритилган ўзгаришлар тарихини текшириши, вандализм ҳақида хабар бериши, бошқа иштирокчилар билан мақола-ларни муҳокама қилиши мумкин. Агар мақола талабларга жавоб бермаса, уни қайта қўриб чиқиш ёки олиб ташлаш керак бўлади.

### БИЗ ШУНЧАКИ ТЎПЛОВЧИЛАРМИЗ

Википедиядаги мақолалар имзоланмаган, аъзолари эса қўнғилилар. Биз маълумот манбаларига ҳаволаларни талаб қила-миз. Шунингдек, муаллифнинг асл тадқиқот натижаларини нашр этиши йўл қўйилмайди. Барча муаллифлар нейтрал нукта назарини сақлашлари керак. Ахборот манбалари обрўли бўлиши шарт.

### ВИКИПЕДИЯ ДИКТАТУРА ЁКИ БОШҚА СИЁСИЙ ТИЗИМ ЭМАС!

Викимедиа жамғармаси Вазирлик кенгаши томонидан бошқарилади. Жамғарма ва Кенгаш Викиларни таҳрир қилмайди. Википедия шаффоф ва очик, келиш-мовчиликлар очик муҳокама қилинади ва агар улар етарли аҳамиятга эга бўлса, Википедияда тасвирланади.

### БИЗ УЗОҚ ВАҚТ ВА ЗАМОНЛАРНИ МЎЛЖАЛЛАДИК!

Википедия яна юз йил давомида мавжуд бўлишини истаймиз, агар у янада муҳимроқ тармоққа айланмаса. Ҳар бир инсон билим олиши ва уни баҳам қўриши мумкин бўлган дунёни тасаввур қилсин. Бу бизнинг мақсадимиз — ва биз сизнинг ёрдамингизга мўлжозимиз.

Ўзгал БЕГИМ тайёрлади.

## ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

Бувимнинг китобхонликларини айтгандим, шу билан бир қаторда ҳар бир ишга мулоҳаза, узоқни ўйлаб ёндашувчи қайвони ҳам эдилар. Кунлардан бир кун уларнинг ҳолидан хабар олгани қўшни аёллар келиши. Бувим бир муддат тоғда, катта аммамларикида дам олиб келганликлари боис сафар таассуротларини эшитиш, қолаверса, тоғнинг шиғобахи гиёҳларидан олиш истағида келган ҳолалар бутун уйни бошига кўтаргудек бўлиб қачқалташиб ўтиришарди. Уларнинг орасидаги бир аёл роса насихатгаўй экан, гаплари ҳам майин, менга роса ёқди...



# Маслаҳатгўй қўшнининг қилиғи

Ҳа, айтганча, набиралар ичида энг кичиги, эркактойи бўлганим учун доим бувимнинг ёнларида бўлардим. Бу галги гап-гаштак анча қўзилди. Кун боғай деганда қўшни аёллар ўрни-ларидан қўзғалишди. Шу пайт, кўзим ўша қўшни аёлнинг дастурхондан мевалар, ширинликлар ҳамда туршаклардан олиб кимсасига сола бошлаганига тушди. Бу ҳам етмаган-дек, ўзи билан эргаштириб келган арзандасининг чўнтакларига олмалардан солиб қўйди. Беихтиёр ҳанг-манг бўлиб қолдим.

Бу ҳолат ҳаммага, шу қатори бувимга ҳам ёқмади чоғи, чўқургина хўрсиниб, томоқ қириб қўйди. Табиатан бундай ҳолатларга орият жиҳатдан эътиборсиздек қараб, бирор жойга меҳмонга борса ҳам уй эгасининг ўзи солиб бермагунча бир донна туршак олиб келмайдиган бувимнинг таъби хира бўлганини сездим.

— Кутлуғ уйдан қуруқ кетмайлик,

тўқ бўлинглар. Борига барака, йўғига сабрни ўрганинглар, — дея бувимнинг насихат қилганликлари ҳеч эсимдан чиқмайди...

Шу ўринда, иш юзасидан хизмат сафарларида бўламан. Меҳмондўст халқимизнинг бизни ҳурмат қилиб тузаган дастурхонидан насимамизни еб, шукрини айтиб юрган кўнларнинг бирида бир ҳолат меннинг ҳам диққатимни тортиб қолди.

Бир гуруҳ журналистлар билан вилоятга сафарга чиқишга тўғри келди. Автобус манзилга кетишдан олдин бир аёл бизга қўшилди. Негадир уни ҳеч биримиз танимадик. Автобус манзил томон кетиб борар экан, орқа ўриндиқда ўтирган бир акамиз пастига овозда айтиб қолдилар:

— Олдинги ўриндиқда кетаётган аёлни танийман. Утган сафар бизни хижолатга қўйган эди.

— Тинчликми, туппа-тузук аёлга ўхшайди-ку, — деб сўрадим.

— Кўзи очроқ экан. Уша сафарда бизни тушликка олиб боришиб, яхшигина меҳмон қилишди. Лекин дастурхонга фотиха қилиниб, турар пайтда опамиз официанткани чаққириб, ёнида олиб олган термосчасига кофе дамлаб беришини айтиб қолса бўладими?..

Ҳақ эканлар. Бу гал ҳам шу ҳолат такрорланди. Кофе дамлатса майли эди, дастурхондан салқин ичимликларни олиб сумкасига жойлаб олса бўладими. Барча ўз-ўзидан хижолат чекди. Унга хўмрайиб қаради. У эса бепарво эди...

Усти ялтироқ, ичи қалтироқ деб шуларни айтишса керак-да. Чиройли кийимларни кийиб, пардоз-андозни жойига қўйиб, ҳар икки галнинг бирида барчага маслаҳат соладиган, насихат қиладиган "ақилли"ларнинг асл башараси мана шундай давраларда қўринадиган чоғи...

Ислом АСИЛБЕКОВ,  
ЎЗЖОКУ талабаси.

## ТАФАККУР

### КАМБАҒАЛЛИК АЙБ ЭМАС, АММО...

Ақл жим бўлиши билан фикрлаш тўхтайдиган, фикрлаш тўхташи билан ҳаракат ҳам тўхтайдиган. Ҳаракатсизлик эса чиришнинг эшигидир.

Имом ҲАЗЗОЛИЙ

Ўйланган жинойят амалга ошмаган бўлса ҳам, у барибир жинойятдир.

СЕНЕКА

Хато қилиш ҳеч нарса эмас, агар афсусланмасанг.

КОНФУЦИЙ

Бизни қанчалар кам, тўғри тушинишларини билганингизда эди, кўпроқ жим юрган бўлар эдингиз.

И.ГЕТЕ

Таълим фақат сўз ва ўргатиш билангина бўлади. Тарбия эса амалий иш, тажриба билан.

Абу Наср ФОРОБИЙ

Камбағаллик айб эмас, бироқ йўқчилик — иллат. Биринчисида инсон туғма олижаноб фазилатларни сақлаб қола олади, аммо йўқчиликда уларни ҳеч қачон ва ҳеч ким сақлаб қолиши жуда мушкулдир.

Ф.ДОСТОЕВСКИЙ

## РАССОМ ХАНДАСИ



Ҳусан СОДИҚОВ чизган карикатура.

**Hurriyat**  
Hushang gazeti

**Муассис:** Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир  
**Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ**

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Адади: 4004  
Буюртма — Г-1265

Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими — А-2.  
Баҳоли келишган нарҳда

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Топшириш вақти — 21<sup>00</sup>  
Топширилди — 00<sup>30</sup>

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91  
Тел-факс: (71) 244-32-80  
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

ISSN 2181-0860

Обуна индекси: якка обуначилар ва ташиқлотлар учун — 233

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.  
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Елгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Ҳ.Қодиров. Мусаҳҳиҳ: Ш.Убайдуллаева.

"Шарқ" НМАК босямаҳонасида чоп этилди.  
Босямаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.